**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ҚИШЛОК ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРКАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ**

**ВЕТЕРИНАРИЯ, ЗООТЕХНИЯ ВА ҚОРАКЎЛЧИЛИК ФАКУЛЬТЕТИ**

**5620600 – Зоотехния (тармоқлар бўйича) таълим йуналиши**

***АШИРОВ ХУРШИД МУЗРАБОВИЧ***

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**“Қора – ола зотли буқачаларнинг гўшт маҳсулдорлиги”**
**( рефератив иш )**

**Илмий рахбар:** ***Профессор*** ***А.К.Кахаров***

**Ветеринария, зоотехния ва**
**қоракўлчилик факультети**
**декани, доцент _____________**
**Н.О.Фармонов**
**«_______»____________2011 йил**

**Зоотехния,ҳайвонлар генетикаси ва**
**урчитиш кафедраси мудири,**
**профессор __________ Д.Холмирзаев**
**«____» _________2011 йил**
**№_____ -сонли йиғилиш баёни**

**Самарқанд – 2011**

## М У Н Д А Р И Ж А

**1. КИРИШ …………………………………………………….................... 3**

**II. Адабиётлар шархи…………………………………………….....................7**

**III. Мавзуда қўйилган масалаларни асоси ва уни бажариш**

**услублар …………………………………………….......................... 22**

**IV. Хусусий тадқиқотлар……………………………….................. 25**

**V. Мавзуни ечимидан кутилаётган иқтисодий самарадорлик ....... 54**

**VI. Экалогик муаммолар, хаёт фаолияти ва техника хавфсизлиги**

**масалалари ……………………….............................................. 57**

**VII. Хулосалар ……………………………………………….................. 61**

**VIII. Ишлаб чиқаришгатавсия этиладиган амалий тавсиялар...... 63**

**IX. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати………………….............. 64**

# КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси ўзининг Мустақкиллик йиллари давомида халқ хўжалиги барча тармоқлари бўйича улкан ютуқларга эришиб, дунё ҳамжамияти ни ҳайратда қолдирмоқда. Бунга исбот тариқасида 2010 йилдаги молиявий инқирозини келтириш мумкин. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, молиявий инқирози дунё иқитисодиётига 9,4 триллион АҚШ доллори миқдорида зарар этгазган. Бу эса жаҳон мамлакатлари ялпи ички маҳсулотининг 15 фоизини ташкил қилади. Иқтисодий таназзул объектларини бартараф этишга қаратилган ҳаракатлар АКШ да 3,5 триллион доллорга етган. Бу мазкур мамлакат ялпи ички маҳсулотини 25,0 фоизи демакдир. Худди шунингдек, Буюк Британия 1 триллион, Германия 893 миллард, Япония 326 миллард ва Хитой 586 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги сармояни айнан шу мақсадларга йўналтиришган. Хўш, молиявий инқироз асоратлари нималарда номоён бўлади.

Кузатишларга қараганда, мазкур инқирозни кенглиги дунёнинг кўплаб давлатларда ишсизлик даражаси кескин ошганлиги меҳнат қонунларини бузилиши, фуқораларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари давлат томонидан ҳимоя қилинмаганлиги натижасида намоён бўлган. Аҳолининг фаровонлигига путур етиб, қашоқлашув авж олган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жахон молиявий инқирози бизнинг Мамлакатимизни четлаб ўтган. Бу маласага Президентимизнинг "Жохон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асарида батафсил тўхталиб ўтган. Жумладан, асарда давлатимиз рахбари молиявий- иқтисодий инқирознинг Ўзбекистон иқтисодига таъсирини четлаб ўтишга мувофиқ бўлган омиллар хусусида шундай дейди: " ... Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислоҳат ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфатларимизни амалга ошириш вазифасини қўяр эканмиз, энг авволо "шок терапияси" деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишга

қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик”.

Қолаверса, жахонда кузатилаётган тинчлик даврида Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жабхаларида ўсиш суратлари кузатилмоқда. Жумладан 2010 йилда ялпи ички маҳсулот хажмининг ўсиши 8,5 фоизни ташкил этган. 2010 йилда қишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқариш 2009 йилга нисбатан 6,8 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 1,8 баробар ошгани ҳам шундан далолат беради.

Ўз - ўзидан равшанки, буларнинг барчаси иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бораётгани ва Мамлакатимизда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлардан далолат беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, иқтисодиётимизнинг асосий таянчи бўлган аграр соҳани ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган чора – тадбирлар самараси ўлароқ соҳада кўлга киритилаётган ютуқлар ҳам йилдан – йилга ортмоқда.

Айниқса кейинги йилларда Мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб соҳанинг хуқуқий асосларини яратишга киришилди. Бунга мисол қилиб ўтган йиллар давомида қабул қилинган Давлат қонунлари [1,2], Президент қарорлари [3,4], рисолалари [5,6], ва Республика Вазирлар махкамасининг қарорларини келтириш мумкин.

Мамлакатимизда чорвачилик соҳасини ислоҳ қилиш ва унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш борасида юритилаётган оқилона ва барқарор сиёсат натижасида чорва моллари бош сони йилдан – йилга кўпаймоқда, паррандачиликда сезиларли ривожланиш қайд қилинмоқда, асаларичилик ва балиқчилик соҳаларида ҳам салмоқли даражада ютуқларга эришилмоқда. Масалан, 2010 йилнинг 1 апрелигача бўлган статистик маълумотларга кўра қорамоллар бош сони 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 106,3 фоизга, шу жумладан сигирлар бош сони 105,6 фоизга, қўй ва эчкилар бош сони 106,0

фоизга, паррандалар бош сони эса 12,8 фоизга етказилган. Шунингдек гўшт ишлаб чиқариш 6,3 фоизга, жами 297,1 минг тоннага, сут ишлаб чиқариш 6,5 фоизга жами 1 млн 0,773 минг тоннага, тухум ишлаб чиқариш 12,2 фоизга жами 575 млн 99 минг донага етказилиб, балиқ овлаш 18,8 фоизга ўсган. 2011 йил 1 январ холати бўйича бу кўрсаткичлар янада юқори даражада бўлган.

Республикамизда чорвачиликни ривожлантириш масалалари бўйича махсус Давлат дастури, Вазирлар маҳкамасининг бир нечта баённлари қабул қилинган. Биргина 2010 йилда “Насл хизмат” корхоналари томонидан 471 та суъний уруғлантириш пунктлари ташкил этилганлигининг ўзи, хукуматимиз томонидан наслли чорва яратиш ва шу асосида аҳолининг сут ва гўшт маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ қондириш, ички истеъмол бозорини сифатли чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдириш, маҳсулотлар таннархини арзонлаштириш борасида нархларни барқарорлаштиришга қаратилган ишлар жадал олиб борилаётганлигидан дарак беради .

2010 йилда чорвачилик тармоғини кескин ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш хажмларини 30 фоизга кўпайтириш ҳисобига аҳолини, арзон ва сифатли чорва маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ таъминлаш, ички истеъмол бозорини тўлдириш ва нархларни барқарорлаштириш ҳамда соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, Республикамизда чорвачиликни ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш, соҳада самарали фаолиятни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 14 апрелдаги 03 – 35 - 20 сонли йиғилишларининг баёнининг 12 бандига асосан “Чорвачилик уюшмасини қайта ташкил қилиш негизида, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар уюшмаси” тузилди.

Шуни қайд этиш лозимки, чорвачилик маҳсулотларининг ишлаб чиқарилаётган салмоғи, аҳоли эҳтиёжи даражасидан анча паст, бунинг асосий сабаби ҳайвонларни маҳсулдорлиги бўйича генетик потенциалидан самарали фойдаланилмаётганлигидадир.

Бу борада Республика Президенти И.А.Каримов Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21 январдаги, 2010 йилда Мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилда мўлжалланган, энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган мажлисида қилган маърузасида ўз фикирларини билдирди [7]. Бундан, шуни хулоса қилиб, чорвачиликни шу жумладан уни бош тармоғи қорамолчиликни барқарор ривожлантириш учун барча зооветеринария, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий тадбирлар талаб даражасида ташкил қилиниши зарур.

# 2. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

Маълумки, бутун дунёда қишлоқ хўжалик тармоғи аҳолини озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишда муҳим ўрин тутади. Чунки истеъмолдаги барча маҳсулотлар айнан қишлоқ хўжалигидан олинади. Шуни унитмаслик лозимки қишлоқ хўжалигининг ажралмас қисми ва асосий сохаси бу чорвачилик ҳисобланади.

Инсон организми учун муҳим бўлган оқсил айнан чорвачилик маҳсулотларидан олинади ва ўсимликлар дунёсидан олинадиган оқсилдан анча устун туради, чунки чорвачилик маҳсулотларининг таркибида алмаштириб бўлмайдиган амино кислоталар етарлича сақланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Истиқлолга эришган куниданоқ халқ хўжалигининг барча тармоқларида шу жумладан, чорвачилик соҳасида ҳам кенг қамровли иқтисодий ислохатларни ўтказди ва хозиргача бу жараён давом этиб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Мамлакатда аграр соҳани ривожлантириш борасида тўғри олиб борилаётган сиёсат туфайли Мустақкилик йилларида барча турдаги ҳайвонлар бош сони йилдан – йилга кўпайиб, уларнинг маҳсулдорлиги ошиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби чорва моллари билан олиб бориладиган наслчилик ишларини, озиқлантириш ва асраш технологиясининг такомиллашганлигидир.

Лекин, шуни қайт қилиш лозимки ишлаб чиқарилаётган чорвачилик маҳсулотлари аҳоли эҳтиёжи даражасидан анча паст, бир вақтнинг ўзида ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги бўйича генетик потенциалидан фойдаланиш эса 55 - 60 фоиз атрофида бўлиб колмоқда. Бу эса барча турга мансуб бўлган ҳайвонларнинг маҳсулдорлигини ошириш имконияти мавжуд эканлигини кўрсатади.

Бизнинг Мамлакатимизда чорвачиликни бош тармоғи бу қорамолчилик ҳисобланади. Чунки истеъмолдаги сутнинг деярли барчаси қорамоллардан

олинса, истеъмолдаги гўштни 70 фоизига яқини  айнан қорамолчиликдан олинади.  Бошқача қилиб айтганда,  Ўзбекистоннинг истеъмол бозоридаги гўшт балансида қорамол гўшти биринчи ўринда туради. Ваҳоланки  қорамол гўшти бутун дунёда чўчқа ва парранда гўштидан кейин учинчи ўринни эгаллайди.

Шуни қад қилиш лозимки Мамлакатимизнинг турли тоифадаги хўжаликларида қорамоллар бош сонини ошиши ҳар йили ўртача 5-7 фоизни, сут ишлаб чиқаришнинг  ўсиши 20 – 25 фоизни ва гўшт маҳсулотини ишлаб чиқариш эса 15 - 20 фоизга ошиб келмоқда.

Ўзбекистонда урчитиладиган режали зотларни 4-5 фоизини махсус гўшт йўналишидаги зотлар ташкил қилади халос. Уларнинг ҳам соф ҳолда урчитиш аҳволи талаб даражасида эмас, шунинг учун ҳам қорамол гўшти асосан сут йўналишидаги зотлардан ва уларни ўзаро чатиштириш натижасида олинган ҳар хил генотипли чатишма авлодларидан олинади.

Сут йўналишидаги қорамол зотлари орасида ўзининг салмоғи ва сигирларининг сут маҳсулдорлиги билан қора-ола зот биринчи ўринда туради. Ушбу зотни гўшт маҳсулдорлиги ва умуман хўжалик фойдали белгиларини А. Храпковский (1985), Э.Карчевский (1985), З.Туракулов (1985), П.Собиров (1990), Ю.Файзуллаев (1993),  А.Кахаров (1994), Р.У.Валиев (1996), У.Н.Носиров  (2001, 2007, 2009) З. Тўрақулов ва бошқалар (1999, 2002)  ўрганишган. Лекин,  бу иш ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда. Қуйида қора-ола ва уни ҳар – хил генотипли чатишма авлодларини гўшт маҳсулдорлиги тахлил қилинади.

Юртимизда аграр секторнинг чорвачилик соҳасида бозор муносабатларини қарор топтириш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислохатлар натижасида бозор муносабатларига асосланган янги тизим шакилланаётгани хўжалик юритиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг иқтисодий ташкилий ва хуқуқий шарт шароитларини тубдан ўзгартириб, провардида мулкчиликнинг турли

шаклдаги чорвачилик хўжаликларини рақобатчилик асосида фаолият олиб бориши таъминланиши такидланади.

Тадбирда эришилган ютуқлар қатори соҳадаги ўз ечимини тўла топмаган айрим муаммолар, хусусан мамлакатимиз қонунчилигида чорвачиликка ойид хуқуқий меъёрлар доирасида айрим бўшлиқлар мавжудлиги ҳақида фикирлар билдирган. Хусусан чорвачилик юритишнинг экстенсив ва интенсив технологияларини қўллаш ҳақидаги хуқуқий меъёрлар, суғориладиган ва лалими ерларда чорвачилик юритишнинг ўзига хос хусусиятларини қонунчиликнинг очилмаган қирралари сифатида этроф этилди.

Мамлакат қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар натижасида  янги хуқуқий муносабатлар вужудга келди. Айни пайтда чорвачилик, фермер хўжаликлари, деҳқон ва томорқа хўжаликлари орасидаги муносабатлар, уларга доир солиқ сиёсати, шунингдек чорвачилик хўжаликлари озуқа баъзасини ташкил этиш, чорвачиликни саноат асосида юритиш, чорва  фермаларини барпо этишда уларнинг зоогигиеник ва экалогик параметрларини, деҳқон ва томорқа хўжаликларида чорвачиликни юритишнинг ўзига хос хусусиятлари, турли шаклдаги чорва хўжаликлари орасида кооперация масалалари, чорва маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш борасида ҳам бўшлиқлар мавжудлигига эътибор қаратилди. Жумладан соха ривожланишида муҳим ўрин тутувчи чорва озуқа баъзасини ташкил этиш борасида озуқабоп экинлар етиштирувчи, таёрловчи, уларни қайта ишловчи корхоналар мақоми  амалдаги қонунчиликда аниқ белгиланиши кераклиги тўғрисидаги таклифлар атрофлича ўрганилди. Шу билан бирга, бошқа йўналишга ихтисослашган фермер хўжаликларида ҳам чорвачилик юритишнинг хуқуқий асосларини яратиш, аҳолининг  чорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришга имкон яратилиши ҳақида мулохазалар билдирилди.

В.Сарапин ва бошқалар (2006), қора - ола зотига мансуб сигирларни голштин билан чатиштири олинган голштин зоти бўйича генотипи турлича бўлган аниғироғи 1 – гуруҳ ҳайвонларда 37,5 фоиз; II - гуруҳда 37,5 дан 62,5 фоизгача ва III - гурухда эса 62,5 % дан юқори бўлган буқачаларни хамда айнан шундай генотипга эга бўлган катта ёшдаги сигирларнинг гўшт махсулдорлигини ўрганишган.

Махсус ташкил қилинган илмий - ишлаб чиқариш тажрибасида шу нарса кузатилганки, барча гуруҳлардаги ҳайвонларнинг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичи юқори бўлган, айрим индивидлар бир кунда 1000 граммгача қўшимча тирик вазнга эришган, бир вақтнинг ўзида бу кўрсаткич айрим индивидларда 700 - 800 граммни ташкил қилган. Тана ўлчамлари ва олинган тана ўлчамлари асосида ҳисобланган тана тузилиш индекслари бўйича ҳам ишонарли даражада гуруҳлараро фарқ аниқланган бўлиб, бунда чатишма буқачалар ижобий томонга ажралиб туришган.

18 ойликда ўтказилган назорат сўйимида: I – гуруҳ ҳайвонларда нимталанмаган гўштнинг оғирлиги 194,2 кг, иккинчи гуруҳда 102,4 кг, учинчи гуруҳда 104,9 кг бўлганлигини кўрсатади. Фарқ охирги гуруҳ фойдасига тегишли равишда 8,2 кг ёки 4,4 фоиз ва 10,7 кг ёки 5,8 фоизни ташкил қилган. Аммо бу кўрсаткич бўйича II - гуруҳдаги катта ёшдаги сигирлар аксинча ўз тенгкурларидан I ва III гуруҳдан мутаносиб равишда 29,4 кг ёки 10,4 фоиз ва 30,7 кг ёки 10,9 фоиз устунликка эришган. Лаҳм гўшт салмоғи бўйича ҳам буқачалардан 1- гуруҳ (155,2 кг) ва сигирлардан эса II – гуруҳ (145,0 кг) юқори кўрсаткичларга эришган. Аниқланган фарқ статистик жихатдан ўта ишончли даражададир.

Ўтган вақт ичида олиб борилган иқтисодий ислохатлар натижасида ер ислохати ва сувдан фойдаланиш бўйича туб ўзгаришлар рўй берди. Молия кридит ва солиқ соҳасида ҳам қатор ишлар амалга оширилиб, нарх-наво масаласида нисбий барқарорликка эришилди. 2010 йил натижаларига кўра

мамлакатда ишлаб чиқариладиган ялпи ички махсулотнинг бешдан бир қисми қишлоқ хўжалиги соҳасида яратилмоқда.

Соҳанинг, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатни хом ашё билан таъминлашдаги ахамияти тобора ўсиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалиги истеъмол бозоридаги барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини аграр сектор тармоқларида тайёрланади. Шу жихатдан қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ҳамда аҳамияти “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”, “2009 – 2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган инқирозга қарши чоралар” ва “2010 йилда иш ўринлари барпо этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш” каби қатор Давлат дастурлари қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохатлар изчиллиги ҳамда самарали натижалари таминланиши борасида муҳим аҳамият касб этаётганлиги, вазирлар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг конституцияси ва қонунлари, Олий – мажлис қарорлари ва бошқа хужжатлари, Президент фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар МАҳкамаси қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа қонун хужжатларига, шунингдек “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги тўғрисида низом” га амал қилиши, мамлакатда аграр соҳага оид Давлат дастурлари ижроси эса низомда расмий белгилаб қўйилган.

Қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш борасидаги вазифа ва функциялар асосида бевосита ёки вазирлик тасаруфидаги Республика ва худудий органлар орқали амалга оширилишини қайт этди.

2011 йилда мамлакатда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш Дастурида белгиланганидек ва 2011 йил “Кичик бизнесс ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилинганлиги муносабати билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш натижасида соҳада банд бўлган ортиқча иш кучини

бошқа тормоқларга жалб қилиш имкониятларини кенгайтириш кўзда тутилганлиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб боришни мухим омили эканлигини таъкидлайди.

Бунда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига хизмат қилувчи тормоқларни ривожлантириш, кичик қайта ишлаш корхоналари, бизнесс ва тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш орқали қўшимча иш ўринларини яратиш устивор равишда амалга оширилаётганлиг эътироф этилди.

Қишлоқ хўжалиги тармоғини малакали мутахассислар билан таъминлаш, соҳада мутахассислар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш тадбирларини мунтазам равишда амалга ошириб бориш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

В.М.Иванов (1989, 2005) қизил чўл ва қора-ола зотларига мансуб буқачаларни айрим маҳсулдорлик кўрсаткичларини, ушбу зот сигирларини голштин буқаси билан чатиштириш натижасида олинган чатишма ҳайвонларнинг кўрсаткичи билан таққослаб ўрганган. 424 кунлик сўқимлашдан кейин соф зотли буқачаларни тирик вазни 422 кг бўлган. Бу кўрсаткич чатишма ҳайвонларда 443 кг ни ташкил қилган, фарқ 21,0 кг ёки 5,0 фоиз. Нимталанмаган гўшт миқдори бўйича фарқ чатишма буқачалар фойдасига 18,6 кг ёки 8,6 фоиздир. Сўйим чиқими, шунга мос равишда 55,1 ва 57,5 % бўлган. Муаллиф, олинган натижалар асосида бир - бирига яқин бўлган сутбоп қорамол зотларини ўзаро чатиштириш натижасида олинган авлодларда оз бўлсада гетрозис ходисаси намоён бўлган деган хулосага келган.

Ҳақиқатдан ҳам, ушбу тажриба яна бир бор қора-ола зотли қорамоллар нафақат ўзининг сут маҳсулдорлиги билан, балки гўшт маҳсулдорлиги билан ҳам кўпгина сут йўналишидаги зотлардан устун эканлигини кўрсатган.

Бундан ташқари қора-ола зоти ўзида мужассамлашган миқдор ва сифат белгилшарини авлоддан авлодга ўтказиш ҳам яхши хусусиятга эга

эканлигини намоён этди. Истемол қилган озиқасини маҳсулот бирлиги билан қоплаш қобилияти ҳам талаб даражасидадир.

Юртимиздаги аграр соҳанинг чорвачилик, паррандачилик ва асаларичилик тармоқларида ҳам бозор муносабатларини қарор топтиришга қаратилган иқтисодий ислохатлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Айни пайтда, соҳадаги ҳали қўлланилмаётган омилларни ишга тушириш ҳам долзарб масалаларга айланган. Жумладан, аҳоли, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида озуқабоп экинлар етиштириш ва тайёрлаш тизимини яратиш, улар қаромоғидаги чорвага озуқа етиштириб бериш каби масалалар бугунги кунда ўз ечимини кутмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқ унимдорлигини аниқлаш ва ошириб боришга қаратилган давлат сиёсатини янада такомиллаштириш, мутасадди ташкилатларнинг маъсулиятини ошириш тупроқлар холати мониторингини мунтазам ошириш, тупроқ унимдорлигини ошириб боришни рағбатлантириш, улардан оқилоно фойдаланишга қаратилган республика ва худудий дасурларни амалга оширишга давлат ҳокимияти органлари ва авзалликларига оид хуқуқий меёрларини мустаҳкамлаб қўйиш масалаларини қўймоқда.

Қишлоқ хўжалиги субъектлари моқомини белгилаш ва ишлаб чиқариш ихтисослашуви ҳамда асосий экинлар бўйича турланишнинг хуқуқий меъёрлари ишлаб чиқилиши орқали ишлаб чиқаришга инновацияларни жадал тадбиқ этиш ҳам замон талаби даражасидаги муҳим масалаларга ойдинлик киритилиши зарур.

Бугунги кунда ҳам фермер хўжаликларининг самарали фаолият юритилишининг хуқуқий асосларини мустахкамлаш мақсадида фермер хўжаликларининг хуқуқ ва мажбуриятларини янада кенгайтиришга ҳамда уларнинг моддий- техник базасини кучайтириш, ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ташкил этишга қаратилган қонунчилик асосларини яратиш ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш талаб этилади.

Мамлакат қишлоқ хўжалигида ислохатларни изчил чуқурлаштириш мамлакатда озиқ – овқат барқарорлигини таъминлаш, ахоли эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, саъноатни хом ашё билан узликсиз таъминлаб бориш, қишлоқда турмуш фаровонлигини ошириш ва янги иш ўринларини яратиш, фермиерлик ҳаракатини янада қўллаб- қуватлаш, унинг моддий – техник базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоиий инфратузилмаларини ташкил этиш, қишлоқда шакилланаётган янги мулкий муносабатлар, ўрта синф – мулкдорлар, тадбиркорлар, ишбилармонлар ва фермерлар манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган.

Юртбошимиз томонидан билдирилган “Фермер боё бўлса – мамлакат обод бўлади” деган ибора аграр соҳа, унинг асосий ва етакчи кучига айланган фермер хўжаликлари мамлакат иқтисодиётини юксалтиришдаги нақадар муҳим ўринга эга эканлигидан далолат беради.

А.Б.Коракулов (1996), қора-ола (I гуруҳ), қора-ола х голштин (II гуруҳ) чатишма ҳайвонларини ўсиш, ривожланиш, экстеръер хусусиятлари ва гўшт маҳсулдорлигини Тожикистон Республикасининг шароитида таққослаб ўрганган. Тажрибадаги буқачаларнинг асраш ва озиқлантириш шароити бир хил бўлган. Олинган натижалар шуни курстганки, ҳар иккала гуруҳ хайвонларининг мутлоқ ва нисбий ўсиши ҳам юқори даражада бўлган, яъни дуркун ўсишган. Лекин, қора-олага қараганда уларнинг сигирларини голштин зотининг буқалари билан чатиштириш натижасида олинган биринчи бўғин авлодлари анча устунликка эришган. Хусусан 21 ойликда соф зотли қора-ола буқачаларининг ўртача тирик вазни 479,8 кг ни ташкил қилган бўлган, бу кўрсаткич бўйича ўз тенгқурлари соф зотли қора-ола буқачаларини 4,5 кг ёки, 0,9 фоиз орқада қолдиришган.

Буқачаларнинг бир кунлик ўсиши, нисбий ўсиши ва ўсиш коэффициенти бўйича ҳам ишонарли даражада гуруҳлараро фарқ аниқланган. Тана тузилиши сут йўналишидаги зотнинг тана тузилишига хос

бўлган. Уларнинг кўкрак қафаси, кўкрак эни, улардан олдинги қисми пропорционал ривожланган бўлган. Хайвонларни гўшт маҳсулдорлигини аниқлаш учун 15, 18, 21 ва 24 ойликда назорат сўйими ўтказилиб, ҳар бир ўсиш ойида ҳар гуруҳдан ўртача 5 бошдан ҳайвон сўйилган ва сўйим кўрсаткичлари аниқланган. Гўшт маҳсулдорлигини баҳоланганда гўштнинг оғирлиги муҳим ҳисобланади. Бу тажрибада II гуруҳ ҳайвонларнинг гўшт оғирлиги, I гуруҳдаги тенгқурларига нисбатан 8 - 17 фоизга юқори бўлган.

А.Саматов (1999, 2004), Тожикистон Республикасининг шимолий ҳудуди шароитида қора-ола зотли сигирларни голштин билан чатиштириш натижасида олинган хар хил зотдорликдаги чатишма ҳайвонларни ўсиш ва ривожланиш, клиник статусини, гўшт маҳсулдорлигини ва гўштининг сифати каби кўрсатгичларини таққослаб ўрганган.

Муаллифнинг олинган рақамий маълумотлар асосида таъкидлашича, чатишма ҳайвонларда, голштин қон улуши даражаси ошган сари ўсиш ва ривожланиш, жараёни жадаЛ кечган. Исътемол қилган ем-хашакни маҳсулот бирлиги билан қоплаш хусусияти эса яхшиланган, яъни кам озуқа истеъмол қилиб кўп махсулот беришган. Хусусан 21 ойликдаги соф зотли қора-ола ва уларнинг биринчи ва иккинчи бўғин чатишма авлодларининг тирик вазни тегишли равишда: 565,8; 569,7; ва 579,2 кг бўлган бўлган.

Кўриниб турибдики, иккинчи бўғин авлодлари ўз тенгқурлари соф зотли ва биринчи бўғин чатишма авлодларини бу кўрсаткич бўйича тегишлича 13,4 кг ёки 4,4 фоиз, 9,5 кг ёки 1,7 фоиз орқада қолдиришган. Нимталанмаган гўштнинг оғирлиги мутаносиб равишда 24 ойликда : 339,4; 343,2; 357,4 кг. Фарқ охирги гурух фойдасига мос тарзда: 18,0 кг ёки 5,3 фоиз, 14,2 кг ёки 4,1 фоизга тенг бўлган. 24 ойликда буқачаларнинг тирик вазни тегишлича: 628,5; 635,0 ва 658,3 кг бўлиб, бу кўрсаткич бўйича хам гуруҳлараро фарқ охиргиси фойдасига шунга мос равишда: 29,8 кг ёки 4,7 фоиз, 23,3 кг ёки 3,7 фоизга тенг бўлган. Гўштнинг марфологик ва кимёвий таркиби бўйича ҳам ишонарли даражада фарқ кузатилган.

Г.Б.Амантурдиев (1996),Тошкент вилояти шароитида асосан қора-ола зотли ҳайвонларни урчитилишини ҳисобга олган ҳолда, ушбу зотга мансуб буқачаларни турли асраш шароитида ўсиш, ривожланиш, клиник ва гематологик кўрсаткичларни ҳамда гўшт маҳсулдорлигини ўрганган. Тажриба давомида олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, 8,5 ойлигигача бинода, 8,5 ойдан 10 ойлигигача енгил ёпилган айвонга боғламасдан, кейин 14 ойлигигача боғлаб, 17 ойлигидгача эса енгил ёпилган айвонга боғлаб сўқимланган буқачалар жадал усиб катта тирик вазнга эришган.

Хусусан 17 ойликда ўтказилган назорат сўйимда шу нарса аниқ бўлдики, сўйишдан олдинги тирик вазни ушбу гуруҳ (VI) буқачаларида 465,0 кг бўлиб , ўз тенгқурлари 1 – гуруҳдан 37,5 кг ёки 8,8 фоиз, II - гуруҳдан 22,6 кг ёки 5,1 фоиз, III- гуруҳдан 12,0 кг ёки 2,6 фоиз, IV – гуруҳдан 27,4 кг ёки 6,7 фоиз ва V- гуруҳдан 12,3 кг ёки 2,7 фоиз.

Гўшт маҳсулдорлигини характерлайдиган нимталанмаган гўшт оғирлиги бўйича VI- гуруҳ буқачалари 260,2 кг, ўз тенгқурлари I, II, III, IV ва V – гурухларни тегишлича: 28,7 кг ёки 12,4 фоиз, 17,7 кг ёки 7,3 фоиз, 11,4 кг ёки 4,6 фоиз, 19,3 кг ёки 8,0 фоиз, 10,0 кг ёки 4,0 фоизга орқада қолдиришган. Сўйим оғирлиги бўйича фарқ гуруҳларда шунга мос равишда (VI- гуруҳда 272,2 кг,) 31,2 кг ёки 12,7 фоиз, 20,1 кг ёки 7,8 фоиз, 13,5 кг ёки 5,1 фоиз, 21,1 кг ёки 8,3 фоиз ва 10,9 кг ёки 4,1 фоизни ташкил қилган.

Клиник сатуси, ўсиш ва ривожланиши ва гўштининг сифат кўрсаткичлари бўйича ҳам гуруҳлараро фарқ кузатилган. Олинган натижаларни мавжуд бўлган илмий манбаларнинг маълумотлари билан умумлаштириб муаллиф, Республикамиз шароитида урчитилаётган қора-ола зотига мансуб буқачаларнинг ўсиш ва ривожланишига уларнинг гўшт маҳсулдорлигига ҳамда гўштининг сифат кўрсаткичларига сақлаш шароити ҳам таъсир қилади деган хулоса қилган.

А.А.Хушвақтов (2007) соф қора-ола зотли буқачаларни ва шу зот сигирларини голштин зотига мансуб буқалар билан чатиштириш

нарижасида олинган буқачаларнинг ўсиш, ривожланиши, айрим биологик хусусиятлари ва гўшт маҳсулдорлигигини Зарафшон воҳаси шароитида ўрганган. Бунинг учун 3 ойлик эркак буқачалардан 30 бош ажратган, шулардан 10 боши қора-ола сигирларни голштин билан чатиштириш натижасида олинган биринчи бўғин (II- гуруҳ) ва яна 10 боши иккинчи бўғини (III - гуруҳ) чатишма авлодлар бўлиб, уларни бир хил асраш ва озиқлантириш шаротида боққан, парваришлаган ва сўқимлаган.

Ишнинг услубига биноан ҳайвонларнинг гўшт маҳсулдорлиги ва гўштнинг сифатини ўрганиш мақсадида 18 ва 21 ойликда назорат сўйим ўтказилган. Олинган маълумотлар барча ҳайвонлар жадал ўсганлигини зотга хос бўлган даражада ривожланганлигини, клиник сататуси, яъни организмнинг клиник ва гематологик кўрсаткичлари физиологик меъёр даражасида бўлганлигини кўрсатган. Хусусан 21 ойликда ташкил қилинган назорат сўйимида қора - ола буқачаларининг тирик вазни 464,3 кг ни ташкил қилгакн, бу кўрсаткичлар уларнинг тенгқурлари II ва III – гуруҳларда 506,1 ва 521,3 кг бўлган.

Демак фарқ охирги гуруҳ фойдасига, 57,0 кг ёки 12,3 фоиз ва 15,2 кг ёки 3,0 фоизга тенг бўлган. Буқачаларнинг бу ойдаги сўйим оғирлиги тегишли равишда 269,3; 291,2 ва 309,6 кгни ташкил қилган. Бу кўрсаткич бўйича ҳам III гуруҳ буқачалари, ўз тенгқурлари I ва II - гуруҳни шунга мос тарзда 40,3 кг ёки 15,0 фоиз ва 18,4 кг ёки 6,3 фоизга орқада қолдиришган. Гўштнинг сифат кўрсаткичлари бўйича эса, қора – ола зотли буқачалар устун бўлишган.

О.Гетоков ва бошқалар (2004), қора-ола зотга мансуб сигирларни голштин зоти билан чатиштириш натижасида олинган хар хил генотипли чатишма ҳайвонлар ўзининг эмбрион даврида паст суратлар билан ўсади ва ривожланади. Бунда улар соф зотли қора- оладан бир мунча орқада қолди деган хулосага келишган.

Лекин, кейинги кўпгина кузатишлар натижасида шу холат аниқландики, ўсишнинг кейинги постэмбрион даврларида чатишма авлодлар соф зотлилардан устунлик қилишган. Хусусан 18 ойлик ёшидаги биринчи ва иккинчи бўғин чатишма буқачалар 441,3 ва 450,4 кг тирик вазнга эга бўлиб, шунга мос равишда соф зотли қора - ола тенгдошларини 9,1 ва 27,8 кг , ёки 2,0 ва 6,5% орқада қолдиришган. Нимталар оғирлиги соф зотли қора-ола зотига мансуб буқачаларда 220,6 кгни ташкил қилган бўлиб, биринчи бўғиндаги тенгқурларидан 13,8 кг ёки 6,3% ва иккинчи бўғиндаги тенгқурларидан эса 22,0 кг ёки 11,0 % кам тош босишган. Сўйим чиқими гуруҳларда шунга мос ривишда: 55,3; 56,3; 57,5 фоизга тенг бўлган.

Махсус тажрибаларда олинган натижаларнинг тахлили шундан далолат берадики, қора - ола зотини голштин зоти билан айрим хўжалик фойдали белгиларини такомиллаштириш бугунги кун талаби экан.

Ушбу тадқиқот ҳам МДҲ да урчитилаётган 300 га яқин қорамол зотлари орасида қора ола зотини ўз ўрни борлигидан далолат беради ва яна бир марта қора - ола зоти нафақат ўзининг сут маҳсулдорлиги, балки гўшт маҳсулдорлиги ва гўштининг сифати яъни экалогик жихатдан тозалиги бўйича бошқа урчитилаётган зотлардан қолишмайди, аксинча уларни кўпларидан устунлик қилади.

Д.С.Адушинов ва бошқалар (2002), ҳайвонларнинг зотига ва зотдорлигига, яъни генетик келиб чиқишига ёшига, жинсига қараб ўхшашлик асосида уч гуруҳга бўлган, ҳар бир гуруҳга 60 бошдан танлаб олган. I гуруҳ- соф зотили қора - ола , II гуруҳ- биринчи бўғин голштин дурагайлари ва III гуруҳ - иккинчи бўғин дурагайлари (қора- ола х голштин).

Барча гуруҳдаги хайвонлар генетик келиб чиқишидан қатий назар, бир хил шароитда асралган ва озиқлантирилган. Тажриба 3 – ойликдан 18 ойлигигача бўлган. 18 ойликда хар бир гуруҳдан 10 бошдан ҳайвон ажратилган, назорат сўйим ташкил қилинган. Сўйишдан олдинги тирик вазн

гуруҳларда тегишлича: 450,3; 489,4; ва 478,6 кг бўлган. Кўриниб турибдики, сўйишдан олдинги тирик вазн бўйича II - гуруҳ ҳайвонлари ўз тенқурлари, I ва III -гуруҳлардан тегишли равишда: 39,1 кг ёки 8,7 фоиз ва 11,4 кг ёки 2,4 фоиз юқори кўрсаткичга эришишган.

Нимталанмаган гўшт оғирлиги, I гуруҳда 245,6; II - да 271,7 ва III- да 265,9 кг бўлган. Бу кўрсаткич бўйича хам, II- гуруҳ ҳайвонлари фойдасига фарқ шунга мос тарзда: 21,6 кг ёки 10,6 фоиз ва 1,8 кг 0,7 фоизни ташкил этган. Сўйим чиқими эса тегишлича : 59,7; 61,1 ва 60,9 фоиз бўлган. 100 кг тирик вазнга тўғри келадиган лахм гўшт I - гуруҳда 43,4; II - гуруҳда 45,5 ва III - гуруҳда 45,1 кг ташкил қилган.

Олинган маълумотлар асосида муаллифлар, қора-ола зоти нафақат ўзининг сут маҳсулдорлиги, балки гўшт маҳсулдорлиги бўйича ҳам кўпгина зотлардан устун эканлигини таъкидлашган ва ўтказган тажрибаларда биринчи бўғин буқачаларида кам бўлсада гетрозис ходисаси намоён бўлган деган хулосага келишган.

П.С.Собиров (1995) маълумоти бўйича, Самарқанд вилояти шароитида қора-ола зотли қорамоллар ўзининг иқлимланиш хусусияти ва махсулдорлиги билан кўпгина бошқа зотлардан ижобий томонга ажралиб турар экан. Лекин бошқа зотлар каби ушбу зот ҳам ўзининг айрим хўжалик фойдали белгиларини такомиллаштиришга мухтож. Шунинг учун ҳам уни дунё генофондига мансуб бўлган голштин зоти билан чатиштириш мақсадга мувофиқдир. Шу мақсадда, Самарқанд вилоятида 1980 йиллардан бошлаб, ушбу зотнинг кондактр ва харлав лақабли наслли буқалари келтирилиб, қора-ола билан чатиштириш ишлари бошланган.

Муаллиф айрим ўтказган илмий - ишлаб чиқариш тажрибаларининг натижаларига асосланиб, қора-ола зотли қорамолларининг сигирлари нафақат ўзининг сут маҳсулдорлиги билан Мамлакатимиз шароитида урчитилаётган бошқа режали қорамол зотларидан анча устун бўлиб қолмай,

балки ўзининг гўшт маҳсулдорлиги билан ҳам, хатто Республикамизда урчитилаётган айрим гўштбоп зотлардан қолишмаганлигини таъкидлаган.

Тахлил қилинган кўпгина илмий манбаларга асосланган холда ҳам шуни қайд қилиш мумкинки, ҳақиқатдан ҳам қора - ола зотли қорамоллар ўзининг бош сони ва сигирларнинг сут маҳсулдорлиги бўйича Мамлакатимизнинг ўзига хос экалогик ва тез ўзгарувчан иқлим шароитида урчитилаётган қорамол зотлари орасида биринчи ўринда туради. Гўшт маҳсулдорлиги ва гўштининг сифати кўрсаткичлари бўйича хам махсус гўшт йўналишидаги қорамол зотларидан қолишмайди.

А.Қахаров ва бошқалар (2004,2005), Д.Авазов ва бошқалар (2005) қора-ола зотини, голштин зоти билан чатиштириш натижасида олинган чатишма авлодларни ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичларини, айрим биологик хусусиятларни ва гўшт маҳсулдорлигини Республиканинг энг иссиқ худуди Сурхандарё вилояти шароитида, соф зотли қора - оланинг кўрсаткичларига қиёслаб ўрганишган.

Тажриба натижасида олинган маълумотлар асосида муаллифлар ўсиш жадаллиги, истеъмол қилган озиқани маҳсулт бирлиги билан қоплаш хусусияти, физиологик кўрсаткичлари клиник статус ва эталогик хусусиятлари сўйимнинг микдор ва нисбий кўрсаткичлари, лахм гўшт миқдори, гўштдорлик коэффициенти, гўшт ва терининг сифат кўрсаткичлари бўйича чатишма ҳайвонлар ўз тенгқурлари соф зотли қора- оладан устун эканлигини таъкидлаб ўтишган.

Муаллифлар, олинган натижаларни атрофлича тахлил қилиб, чатишма ҳайвонлар организмида соф зотли тенгқурларига нисбатан гетрозигот холдаги ва доминант ҳолдаги гомозигот генлар кўп эканлигини таъкидлашган. Шунинг учун ҳам чатишма ҳайвонлар организмида оксидланиш ва модда алмашиниш жараёнлари меъёр даражада бўлган. Бу эса ўз навбатида хужайра ва тўқмаларни биологик жараёнлари нормал кечиб организмни дуркун ва жадал ўсишини таъминлаган. Натижада тирик вазн

билан бевосита боғлиқликда бўлган гўшт маҳсулдорлиги ва унинг сифат кўрсаткичлари қора - олада ҳам айниқса қора - ола билан голштинни чатиштириш натижасида олинган  хар хил генотипли авлодларда ҳам юқори бўлганлигини таъкидлашган.

Шундай қилиб,  қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлиги бўйича  генетик потенциалидан тўлиқ фойдаланиш, маҳсулот салмоғини талаб даражасига етказиш  бугунги кун талаби экан. Чунки инсон организмида нормал, биологик жараёнлар кечиши учун қорамол гўшти муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам қорамол гўштини  салмоғини ошириш ва уни экалогик сифатини яхшилашга таьсир этувчи омилларни кўплаб олимлар ўрганишган экан. Тахлилдан кўриниб турибдики, қорамол гўшти  структурасига сутбоп зотларнинг шунингдек қора - ола зотнинг тутган ўрни  салмоқли  экан.

## III. МАВЗУДА ҚЎЙИЛГАН МАСАЛАЛАРНИ АСОСИ ВА УНИ БАЖАРИШ УСЛУБЛАРИ

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ўқув бўлими, марказий услубий кенгаши, деканат ва тегишли кафедраларда қабул қилинган тартибга биноан, талаба битирув малакавий ишни ихтиёрий равишда танлайди ва уни битирув олди малакавий амалиётини ўтаётган даврда бажаришга киришади. Шунинг учун ҳам, амалиётдан олдин талаба кафедра ва илмий раҳбари томонидан битирув олди амалиётини бажаришга оид махсус топшириқларни олади. Албатта топшириқ битирув малакавий ишни реферaтив ёки тажриба асосижда бажарилишига қараб берилади.

“Қора - ола зотли буқачаларнинг гўшт маҳсулдорлиги” мавзуси реферaтив тарзда бўлганлиги сабабли, бакалавриат битирувчисига қуйидаги топшириқлар берилган, яъни амалиёт ва битирув малакавий ишни бажариш жараёнида эътибор бериш лозим бўлган масалалар қуйидагилар:

-битирув малакавий иш мавзусини деканат орқали хужжатлаштирилганлиги, аниқроғи ректорат буйруғи билан расмийлаштирилганлигини текшириб, уни олинган (танланган) мавзуга мослигини билиш;

- битирув малакавий амалиёт ўташ учун белгиланган вилоят, туман ва хўжаликнинг жўғрофий жойлашиши, ундаги экалогик холат ва иқлим шароити билан танишиш;

- туман, хўжалик шароитида урчитилаётган ҳайвон ва парранда турлари, зоти, зотдорлиги, уларнинг сони, пода таркиби ва пода ҳаракати билан танишиш.

Хўжаликда озиқа базасини яхшилаш учун қилинаётган ишлар, озиқа тури, сифати, тўйимлилиги ва унинг хар бир шартли мол бошига етарлилик даражаси. Сотиб олинадиган кучли озиқаларнинг сифати ва уни олишда узилиш бор йўқлигини тахлил қилиш;

-хўжаликда ва туманда чорвачилик ва уни асосий соҳаси қорамолчиликнинг ривожланиш холати, урчитиладиган зот ва зотдорлик таркиби. Охирги уч йилда қорамолчиликдан олинадиган маҳсулотлар тўғрисида статистик маълумот. Умуман хужаликда махсулот ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш технологиясининг холати;

- хўжаликда ва туманда қорамолчилик соҳасида олиб борилаётган наслчилик ишларининг холати, сунъий уруғлантириш, зooветеринария ва омухта ем сотиладиган шахобчаларни иш тартиби билан танишиш, суний уруғлантиришни деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликлардаги ахвол, сунъий уруғлантиришнинг самарадорлиги каби зooветеринария тадбирлари билан қизиқиш;

-хўжаликда, туманда ва вилоятда қорамол гўшти ишлаб чиқариш холати билан танишиш, бунда қорамол гўшти асосан қайси зот ва зотдорликдаги ҳайвонлардан олинишини билиш, ишлаб чиқарилаётган гўштни аҳоли эҳтиёжига мос келиши ёки келмаслигини тахлили;

- чорвачилик ва унинг асосий тармоғи хисобланган қорамолчиликни бозор иқтисодиёти шароитида барқарор ривожлантиришга оид Давлат қонунлари, Республика Президентининг қарор ва фармонлари Давлат дастурлари ҳамда Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан танишиш ва тўлиқ тахлил қилиб ўзлаштириб олиш;

- қорамол гўшти ишлаб чиқаришни дунё, МДҲ ва Республикамиздаги холати ва унинг ривожланиш истиқболлари билан танишиш. Бу борада бажарилган илмий - тадқиқотлар ишларини тахлил қилиш ва мавжуд бўлган илмий, услубий, хуқуқий ва статистик маълумотлар билан умумлаштириш мақсадида Самарқанд қишлоқ хўжалик, Ўзбекистон чорвачилик ва Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экалогияси институтларининг ҳамда Тошкент Аграр Университетининг чорвачилик борасидаги илмий тўпламлари, “Зоотехния”, “Молочное и мясное скотоводство”, “Аграрная наука”, “Биология сельскохозяйственных животных», “Ўзбекистон қишлоқ

хўжалиги”, “Зооветеринария”, “Агро илм” ва бошқа журналларнинг охирги 10 йилдаги мавзуга оид маълумотлари билан танишиш ва тахлил қилиш;

- мавзуга оид масалаларни ёритишда мавжуд бўлган илмий, услубий, хуқуқий, ўқув ва статистик манбаларни ўрганиб, улардаги маълумотларни мавзуда кўрсатилган зот маълумотлари билан солиштириш.

-қора- ола зоти ўзининг сони ва сигирларининг сут маҳсулдорлиги билан Республикада урчитилаётган бошқа қорамол зотлари орасида биринчи ўринда туради. Лекин ушбу зотнинг ўзига хос булган, биологик хусусиятлари шундан иборатки, ушбу зот ўзининг гўшт махсулдорлиги билан ҳам бошқа кўпгина зотлардан устун туради. Шунинг учун ҳам зот тўғрисида тўлитқ маълумотларга эга бўлиши;

- чорва моллари, шу жумладан қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлиги ва гўштнинг сифатига таъсир қиладиган омиллар тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлиш. Уларнинг қайси бири биринчи даражали, қайси бири иккинчи даражали эканлигини билиш ва шунга қараб боқиш, ўстириш ва бўрдоқилаш каби зоотехникавий тадбирларни ташкил қилиш;

- қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлиги бўйича баҳоланганда эътибор берилиши лозим бўлган: тириклигидаги тирик вазни, семизлик даражаси, 1 кг семириш учун сарфлаган озуқа миқдори, сўйишдан олдинги тирик вазн, сўйилгандан сўнг гўшт оғирлиги, ички ёғ оғирлиги, сўйим оғирлиги, сўйим чиқими, тери оғирлиги ва унинг сифати каби кўрсаткичлар тўғрисида тушунчага эга бўлиш;

-қорамол гўшти ишлаб чиқаришни иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашни ўзига хос томонларини билиш;

-олинган маълумотлар асосида ишлаб чиқаришга амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Қўлга киритилган маълумотларни тахлил қилиб, илмий – услубий манбалар билан умумлаштириб сохани иқтисодий самарадорлигини оширишда қилинажак зооветеринария тадбирлар режасини тузиш ва уларни

амалга ошириш йўлларини билиш. Охирида қорамол гўшти ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва гўштни экалогик жихатдан сифатини яхшилаш борасида аниы амалий тавсиялар бериш.

## IV. ХУСУСИЙ ТАДҚИҚОТЛАР

Битирув малакавий ишнинг мавзуси қорамол гўшти етиштиришга ва унинг экалогик жихатдан сифатини яхшилашга қаратилганлиги боис, ушбу масалани ижтимоиий ҳаётдаги ўрни тўғрисида маълумотга эга бўлиш муҳим хисобланади. Аниқланган кўрсаткичлар ва бугунги кунда амалдаги физиологик меъёр бўйича ҳар бир инсон бир йилда 82- 84 кг гўшт ва гўшт маҳсулотларини истеъмол қилиши лозим. Агарда бу кўрсаткични бизнинг Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган гўштни 70 фоизига яқинини қорамол гўшти ташкил этишини эътиборга оладиган бўлсак меъёрдаги гўштни 57,4 – 58,8 фоизини қорамол гўшти ташкил этар экан. Бошқача қилиб айтганда аҳоли жон бошига бир йилда истеъмол учун 57,4 – 58,8 кг қорамол гўшти тўғри келади, буни аҳоли жон бошига ҳисобласак 1,5 – 1,6 млн. тоннани ташкил қилади. Демак, эҳтиёж даражасига етиш учун деярли яна 1 млн. тонна гўшт қўшимча ишлаб чиқариши лозим, чунки бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган қорамол гўшти 0,6 – 0,8 млн.тоннадан ошмайди.

Ишлаб чиқарилаётган жами қорамол гўштининг 60 - 65 фоизи сутбоп зотлардан олинаётганини эътиборга олсак қора-ола зотининг қорамол гўшти ишлаб чиқаришни кўпайтиришдаги ўрни қанчалик катта эканлигини тушуниш қийин эмас.

Бизнинг Республикамиз хўжаликларида урчитилаётган барча қорамолларни, қора-ола зоти 41 фоизини ташкил қилади. (У.Носиров ва бошқалар 2003). Демак, 20011 йил 1 январ холати бўйича мавжуд бўлган жами 9,2 млн. қорамолнинг 3,8 млн. бошдан ортиғи қора - ола зотли

қорамоллар ташкил қилар экан. Ушбу зотга мансуб ҳайвонлар Мамлакатимизнинг деярли барча худудларида урчитиш мумкин.

Қора-ола зотига мансуб моллар республикамизнинг барча вилоятларида урчитилади. Умумий сонига нисбатан, асосий қисми Тошкент, Фарғона, Наманган, Сирдарё, Самарқанд вилоятларида, 10 фоиз атрофида эса Андижон, Бухоро, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида урчитилади. Бу зот голланд зотини маҳаллий моллар билан чатиштиришдан келиб чиққан. У Республикамздаги урчитиладиган қорамолларнинг жами сонига нисбатан 41 фоизини ташкил этиб, маҳсулдорлиги ва бош сони жиҳатидан биринчи ўринни эгаллайди.

Қора-ола зотли сигирлар нихоятда юқори (4000 - 6000 кг сут, ёғлилиги 3,6 - 4,0 %) маҳсулдорлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон ва МДҲ давлаталари шароитида бу зотларнинг рекордсмен сигирлари 12 - 16 минг кг сут бериши билан машхур. Зотнинг бузоқлари жадал ўсади ва 12 ойлигида туғилгандаги вазнига нисбатан 8,6 - 8,8 баробар, 18 ойлигида эса 12,0 баробар ошади. Қора - ола зот молларининг гўшт сифати ҳам яхши бўлади. Жадал равишда ўстирилганда буқачаларининг кунлик семириши 1000 граммдан ошади. Етук ёшдаги сигирларнинг тирик вазни ўртача 500 - 550 кг, наслдор буқаларнинг вазни эса 1000 - 1200 кг ни ташкил қилади.

Қора – ола зотли ҳайвонларнинг сут маҳсулдорлиги ва сутининг сифати тўғрисида МДҲ да ҳам, Мамлакатимиз шароитида ҳам кўплаб тадқиқотлар ўтказилган. Бунда Ш.А. Акмалхонов, Г.Ю. Карчевский, И.Максудов, М.Аширов ва бошқа кўпгина олимларнинг ишларини келтириш мумкин.

Лекин, қора - ола зотли ва ушбу зотни бошқа зотлар билан чатиштириш натижасида олинган ҳар хил генотипли чатишма ҳайвонларни гўшт маҳсулдорлиги ва гўштининг сифати етарли даражада ўрганилмаган. Шунга қарамасдан, бу борада бажарилган айрим тадқиқотларни тахлил қилиб илмий - услубий манбалар билан умумлаштирамиз.

З.Т.Туракулов (1985), Республикамизда урчитилаётган сут йўналишидаги қорамол зотларини гўшт маҳсулдорлигига сақлаш усулини таъсирини ўрганган. Тажриба учун қора – ола, қизил – чўл ва бушуев зотларини буқачаларини ажратган. (1- жадвал).

Ушбу 1- жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Республикамиз иқлим шароити учун режали зот ҳисобланган қора- ола, қизил чўл ва бушуев зотларининг буқачаларини гўшт маҳсулдорлигини ифодалайдиган кўрсаткичлар.

1- жадвал

18 ойлик сут йўналишидаги зотларга мансуб буқачаларнинг гўшт маҳсулдорлиги (З.Т.Туракулов маълумоти, 1999).

| Кўрсаткичлар | З о т л а р | | |
|---|---|---|---|
| | Қора-ола ($n = 5$) | Қизил чўл ($n = 5$) | Бушуев ($n = 5$) |
| Сўйишдан олдинги тирик вазн, кг | 495,3 ±2,9 | 470,1±3,3 | 485,0± 3,2 |
| Майдаланмаган гўшт оғирлиги, кг | 277,3±3,2 | 263,2±2,5 | 272,0± 3,2 |
| Майдаланмаган гўшт чиқими, % | 56,0 | 56,0 | 56,1 |
| Ички ёғ оғирлиги, кг | 19,8±1,5 | 20,6±1,8 | 19,4± 1,8 |
| Ички ёғ чиқими, % | 4,0 | 4,1 | 4,0 |
| Сўйим оғирлиги, кг | 297,0± 4,1 | 283,8± 3,1 | 291,4± 3,8 |
| Сўйим чиқими, % | 60,0 | 60,1 | 60,1 |

кўрсаткичлар бир хил бўлмаган. 18 ойлик қора – ола зотига мансуб буқачаларнинг сўйишдан олдинги тирик вазни 495,3 кг бўлиб, ўз тенгқурлари қизил чўл зотли буқалардан 25,1 кг ёки 5,3 фоиз, ўзимизнинг

Республикамиз шароитида яратилган бушуев зотига мансуб буқачалардан эса 10,3 кг ёки 2,1 фоиз юқори кўрсаткичга эришган.

Қизил чўл зотига мансуб буқачалар билан бушуев зотли буқачаларни бу кўрсаткич бўйича фарқи охирги зот фойдасига 14,9 кг ёки 3,2 фоизни ташкил қилган.

Қорамолларнинг шу жумладан тахлил қилинаётган зотларнинг гўшт маҳсулдорлигини характерлайдиган нимталанмаган гўшт оғирлиги бўйича ҳам зотлараро фарқ кузатилган бўлиб, бунда ҳам қора-ола зотига мансуб буқачалар ўз тенгқурлари қизил чўл ва бушуев зотларининг буқачаларини тегишли равишда: 14 кг ёки 5,3 фоиз ва 5,2 кг ёки 1,9 фоиз орқада қолдирган. Бу эса ушбу зотга мансуб ҳайвонларни нафақат сут балки гўшт махсулдорлиги ҳам юқори эканлигидан далолат беради.

Қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлиги баҳоланганда, уларнинг ички ёғини миқдори муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам муаллиф тажрибадаги ҳайвонларни ички ёғ кўрсаткичларини ҳам ҳисоб – китоб қилган. Бу кўрсаткичнинг мутлоқ миқдори бўйича қизил чўл зотига мансуб буқачалар устунлик қилишган. Бошқача қилиб айтганда ички ёғ оғирлиги бўйича улар ўз тенгқурлари қора – ола буқачаларини 0,8 кг ёки 4,0 фоиз ва 1,2 кг ёки 6,2 фоиз орқада қолдиришган.

Шуни таъкидлаш лозимки, қорамолларнинг зоти ва ёшига қараб ёғ, мускул ва суяк тўқмаларнинг ўзгариши фарқланади. Айтайлик сутбоп зотлар, махсус гўшт йўналишидаги зотларга нисбатан, катта ёшдаги қорамоллар эса, ёш ҳайвонларга нисбатан кўп ички ёғ тўплайди, чунки ёш ортган сари мускул тўқмаларнинг ўсиш жадаллиги сусаяди, аксинча ёғ тўқмаларининг ўсиш жадаллиги ортади. Шунинг учун жохон чорвачилик амалиётида иложи борича қорамолларни гўштга 15 - 18 ойлигигача боқилади ва шу ойларда сўйилади.

Гўшт махсулдорлигини характерлайдиган яна бир муҳим кўрсаткич бу сўйим оғирлигидир. Ҳайвонни сўйгандан кейин ундан қон, тери, бош,

олдинги - орқа оёқлар, дум ва ички органлари чиқариб ташлангандан кейинги қолдиққа ички ёғ қўшилса сўйим оғирлиги деб айтилади. Тахлил қилинаётган тадқиқотда, сўйим оғирлиги қора – ола зот буқачаларида 297,0 кг бўлган, бу эса қизил чўлдан 13,2 кг ёки 4,7 фоиз ва бушуевдан 5,6 кг ёки 1,9 фоиз кўп демакдир.

Сўйим чиқими деганда ҳайвонларнинг сўйим оғирлигини сўйишдан олдинги тирик вазнга нисбатини фоиз ҳисобида ифодаланиши тушинилади. Қорамолларда бу кўрсаткич ўртача 55- 56 фоиз бўлиши лозим. Тахлил қилинаётган ишда бу кўрсаткич анча юқори бўлиб, ўрганилаётган зотларда шунга мос равишда: 60,0; 60,1; 60,1 фоизни ташкил қилган. Олинган ва тахлил қилинган далилий маълумотларга асосланган ҳолда муаллиф, сут йўналишидаги ва Мамлакатимиз учун режали ҳисобланган зотлар орасида қора – ола зоти ўзининг гўшт маҳсулдорлиги ва гўштининг сифати билан ижобий томонга ажралиб туради, ёки бўлмаса гўштнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича ҳам улар қизил чўл ва бушуевни орқада қолдиришган деган хулоса қилган.

Ш.А.Каримов (2007), Сурхандарё вилояти Шеробод туманига қарашли Жўраниёз Тошпулатов фермер хўжалиги шароитида қора-ола зотли урғочи тана ва буқачаларни гўшт маҳсулдорлигини, швиц зотининг кўрсаткичлари билан таққослаб ўрганган. Тажрибадаги ҳайвонларни боқиш ва озиқлантириш шароити уларнинг 21 ойлигигача, яъни тажриба охиригача бир хил бўлган. I ва II- гуруҳга тегишлича швиц зотига мансуб бўлган ҳамда III ва IV – гуруҳларга эса қора - ола зотига мансуб бўлган 3 ойлик ҳар хил генотипдаги хар гуруҳга 15 бошдан жами 60 бош бузоқлар ажратилган. Уларнинг тирик вазни тўғрисидаги маълумот қуйидаги 2 жадвалда келтирилган.

2- жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тажрибадаги барча гуруҳларда тирик вазннинг ўсиш сураъти юқори бўлган. Қора-ола зотга

мансуб урғочи таналар ҳам буқачалар ҳам жадал ўсишган ва қўшмаҳсулдор, яъни сут – гўшт йўналишидаги швиц зотига тенглашишга харакат қилишган.

2- жадвал

Тирик вазнни ўсиш суръати (X ±Sx)

| Ёши, ойлар ҳисобида | Г у р у х л а р | | | |
|---|---|---|---|---|
| | I | II | III | IV |
| 3 ойлигида | 93,0 ± 2,1 | 90,4 ±3,1 | 93,9 ±2,1 | 92,26 |
| 6 ойлигида | 160,0 ± 5,1 | 157,1± 5,4 | 158,1 ±5,1 | 155,1 ± 3,4 |
| 9 ойлигида | 219,9 ± 4,6 | 212,5 ± 2,7 | 215,0±4,6 | 208,5±4,1 |
| 12 ойликда | 284,9 ± 3,9 | 268,0± 5,1 | 271,9±4,5 | 261,3±4,1 |
| 15 ойликда | 348,9 ± 4,8 | 328,1± 6,7 | 333,4±4,6 | 319,9± 4,4 |
| 18 ойликда | 419,1 ± 3,7 | 395,3 ±6,1 | 402,0±4,8 | 382,7± 5,9 |
| 21 ойликда | 497,5 ± 5,4 | 468,0 ±5,3 | 477,6±5,3 | 454,1± 6,8 |

Тирик вазн бўйича фарқ, 12 ойлик ҳайвонларда яққол кўзга ташланган. Хусусан бу ойга келиб швиц зотига мансуб буқачалар 284,9 кг тирик вазнга эга бўлишган, бу эса уларни ўз тенгқурлари II, III ва IV – гуруҳга қараганда тегишли равишда: 16,9 кг (6,3 %), 13 кг (4,8 %) ва 23,6 кг (9,0 %) кўп демакдир. 15 ойлик ҳайвонларда бу фарқ мос равишда: 20,8 кг (6,3 %), 15,5 кг (4,6 %) ва 29,0 кг (9,1 %) га тенг бўлган. Тажрибанинг кейинги ойларида ҳам тирик вазннинг жадаллиги бўйича гуруҳлараро фарқ кузатилган бўлиб, бу даврда ҳам швиц зотига мансуб ҳайвонлар, қора-ола зотига тегишли тенгқурларидан устунлик қилишган. Айтайлик тажриба охирида, яъни 21 ойликда бу тофоввут мутаносиб тарзда 1- гуруҳ фойдасига 29,5 кг (6,3 %), 19,9 кг (4,2 %) ва 43,4 кг (9,6 %) ни ташкил қилган.

Хайвонлар тажриба бошланишдаги тирик вазнини гуруҳларда шунга мос равишда : 5,35; 5,18; 5,09 ва 4,92 мартага оширган. Шуни таъкидлаш лозимки, ўсиш кўрсаткичлари бўйича жинсий дефорфизм (фарқ) аниқланган бўлиб, урғочи ҳайвонларга нисбатан буқачалар жадал ўсишган

ва ўзининг 21 ойлигида катта тирик вазнга эришишган. Муаллифнинг фикрича ўсиш жадаллиги ва гуруғлараро фарқ ҳайвонларни гўшт маҳсулдорлигига ҳам таъсир қилган, буни биз қуйидаги 3 - жадвал маълумотларидан билсак бўлади.

3- жадвал.

Назорат сўйим кўрсаткичлари (X ±Sx)

(Ш.А.Каримов маълумотлари, 2007).

| Кўрсаткичлар | Г у р у х л а р | | | |
|---|---|---|---|---|
| | I | II | III | IV |
| Сўйишдан олдинги тирик вазн, кг | 492,0± 6,11 | 465,4±6,14 | 473,3±5,59 | 452,0±6,01 |
| Нимталанмаган гўшт оғирлиги, кг | 275,6±4,11 | 256,0±3,91 | 264,6±4,18 | 248,4±3,93 |
| Нимталанмаган гўшт чиқими, % | 55,9 | 55,0 | 55,9 | 54,9 |
| Ички ёғ оғирлиги, кг | 16,4±0,15 | 15,8±0,11 | 17,2±0,09 | 16,8±0,14 |
| Ички ёғ чиқими, % | 3,3 | 3,4 | 3,6 | 3,7 |
| Сўйим оғирлиги, кг | 292,0±4,01 | 271,8±4,16 | 281,8±3,42 | 265,2±3,04 |
| Сўйим чиқими, % | 59,1 | 58,4 | 59,4 | 58,6 |
| Тери оғирлиги, кг | 34,1±0,8 | 32,9±0,14 | 33,9±0,04 | 31,5±0,13 |
| Тери чиқими, % | 6,9 | 6,8 | 7,1 | 6,4 |

3 - жадвалда келтирилган маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, суйишдан олдинги тирик вазн бўйича 1 - гурух, яъни швиц зотига мансуб буқачалар ўз тенгқурларини мос равишда: 26,6 кг ёки 5,7 фоиз, 18,7 кг ёки 4,0 фоиз ва 40,0 кг ёки 8,8 фоиз орқада қолдирган. Худди шундай фарқ нимталанмаган гўшт ва сўйим оғирлиги бўйича ҳам кузатилган ва гуруғларда шунга мос равишда: 19,6 кг ёки 7,7 фоиз, 11,0 кг ёки 4,2 фоиз,

27,2 кг ёки 11,0 фоизни ва 20,2 кг ёки 7,4 фоиз, 10,2 кг ёки 3,8 фоизни, 26,8 кг ёки 10,1 фоизни ташкил қилган.

Гўшт маҳсулдорлигини бошқа кўрсаткичлари бўйича ҳам гуруҳлараро фарқ аниқланган бўлиб, швицга нисбатан қора-ола, эркакларга нисбатан урғочи таналар кам кўрсаткич беришган. Муаллиф, қора – ола зотига мансуб буқача ва урғочи таналарни гўшт маҳсулдорлиги ва гўштининг сифати анча юқори эканлигини таъкидлаб, ушбу зотдан нафақат сут ишлаб чиқариш балки гўшт ишлаб чиқариш учун ҳам самарали фойдаланиш мумкин деган хулосага келган.

Ёш молларни ўстириш ва уни жадаллик билан бўрдоқига боқиш параметрлари 4- жадвалда кўрсатилган. Туртинчи вариант бўйи паст молларга мўлжалланган ишлаб чиқариш цикли ҳамиша жадаллик билан бўрдоқига боқиш билан якунланади.

Биринчи вариантга кўра, боқишни икки босқичга ажратган маъқул. Биринчи босқич 220 – 330 килограммга етгунча жадал устириб боришдир. У 120 кун давом этади, вазн бир кеча – кундузда 850 – 900 г ошиб бораверади. Омухта ем озуқа тўйимлилигига кўра 30 - 35 % бўлади. Бундай бўрдоқига боқиш усулларини Л. Горковенко ва бошқалар (2009) таклиф этишган. Ушбу тизим қуйидаги 4- жадвалда келтирилган.

Иккинчи босқич – вазн 330 – 450 кг етгунча жадаллик билан бўрдоқига боқишдир. Бу 120 кун давом этади, ҳар кеча – кундузда вазнга 1000 - 1100 г қўшилади. Омухта ем озиқа тўйимлигига кўра 55 - 60 % бўлади.

Бўрдоқига боқишнинг якуний 120 кунида бир кеча кундуз ҳар бир бош молнинг 1000 г ўсишига эришмоқ учун умумий тўйимлилиги 1320 кг бирликка тенг дағал хашакни мол ўз ихтиёри билан келиб ейдиган охурларга солиш мумкин.

Иккинчи босқич яйлов мавсуми (апрел-май). Қишдан чиққан ёш мол 12-13 ойлик бўлганида унинг тирик вазни 280 – 300 кг га етади, бу моллар 200 – 250 бошдан бўлиниб, подаларга ажратилади, уларнинг вазни ўлчаниб, ёзги

участкаларга жўнатилади. Бундай подалар бир кеча кундузда 10 - 12 соат яйловда бўлади, бу орада жазирама кунлар икки – уч марта суғорилади.

4- жадвал

| Кўрсаткич | Технологиялар варианти | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Биринчи (бўрдоқи) | Иккинчи (ўстириб бораверишва бўрдоқи) | Учинчи (ўстириб бораверишсемиртириш ва бўрдоқи) | Тўртинчи (ўстириб бораверишва бўрдоқи) |
| Бузоқлар елиндан ажратилганида унинг тирик вазни, кг | 220 | 200 | 170 | 175 |
| Жинси | Наввос-лар | Наввослар ва ахталанган-лари | Наввослар ва ахталанган-лари | Наввослар ва ахталан-ганлари |
| Цикилнинг қанча давом этиши, кун | 240 | 310 | 415 | 320 |
| Бўрдоқига боқиш-нинг охирида мол-нинг тирик вазни, кг | 450 | 480 | 500 | 400 |
| Бир кеча-кундизда ўртача семириш, г | 960 | 900 | 800 | 700 |
| Сотилаётганда ўртача ёши, кун | 445 | 500 | 585 | 500 |
| Озуқа сарфи, к. бирлик | 9 | 10 | 11 | 10 |
| Шу жумладан концентратлар | 4 | 4 | 3 | 3,5 |

Жазирама кунлар бошланиши билан жониворлар соат 4 дан 10 - 11 гача боқилади, кечқурун эса соат 17 дан 22 га қадар яйловда бўлишади. Тунги дам олишни яйловда боқиш билан қўшиб юбориш мумкин.

Кундизги дам олиш пайтида моллар сувга яқинроқ жойда ёки атрофи ўралган молқўрада бўладилар, бунда сув манбаи яқинироқ бўлиши керак. Хар бир бош қорамолга бир кеча – кундизда сарфланадиган сув 45-50 литрни ташкил этади. Дам олиш жойларида соёбон бостирмалар бўлиши

лозим, ҳар бир молга 2,5 – 3 $м^2$ жой ажратилади ва кўк масса, омухта ем учун охурлар жихозланади.

Молнинг семириш даври охирига кедлиб ўртача вазннинг бир кеча – кундузда ортиб бориши туфайли тирик вазн 360 – 370 кг етади. Семириш даври 3 - 4 ой давом этади, бу яйловдаги ўтнинг нечағлиқ қалинлигига боғлиқ. Бунда ҳар бош қорамолга 2,5 – 3 га ер ажратилиши керак. Озуқанинг миқдори кам деганда 600 к бирликка етиши керак, шулардан яйловдаги ўт 55 - 60 % ни, қўшимча кўк ўт билан озиқлантириш 10 – 15 % ни, омухта ем 25 – 30 % ни ташкил этиш зарур.

Одатда семиртириш даври яйлов мавсумининг охиригача давом этади. Бу вақтга келиб ўт тирик вазннинг зарур ўсишини таъминлай олмай қолади. Бу холат мол 15- 20 ойлик бўлган вақтга тўғри келади.

Учинчи босқичда чорва бўрдоқига боқиш майдонлари ёки фермаларида бўлади. Бу ерда жониворлар бир кеча – кундизи ўртача камида 900- 1000 г семириши керак, албатта, озуқа ҳам шунга яораша бўлиши лозим.

Якуний бўрдоқига боқиш 4 - 5 ой давом этади. Сўнгги тирик вазн 460-470 килограммга тенг. Озуқа сарфи эса 900 - 1000 к. бирликка тенг бўлиши талаб қилинади. Озуқа таркибида ширадор ўт 25 - 30 % ни, дағал хашак 10-15 % ни, омухта ем 55 – 60 % ни ташкил қилган маъқул. Семиртириш ва бўрдоқига боқиш даврида умумий озуқа сарфи камида 3600 - 3800 к. бирликка тенг бўлади.

Гўштбоп чорва бинолари, сут чорвачилиги биноларини қуришга нисбатан арзон тушади, чунки ихтисослашган моллар чидамлироқ, “одмироқ” ва юқумсиз касалликларга бардошлироқдир.

Гўшт етиштиришга мўлжалланган репродуктор фермаларнинг таркибига қуйидаги бино ва иншоатлар киради: бузоқли сигирларни боғламасдан боқиш учун иморатлар, қорамол айланиб юрадиган ва озиқланадиган, шамолдан муҳофаза тўсиқлари бўлган майдончалар, бу майдончаларда охурлар, гуруҳ - гуруҳ бўлиб ичиш учун сувдонлар, гўнг ва

сомон тўшалган тепаликлар (буларнинг асоси текисланиб лой билан сувалади) бўлади. Бу ерда қорамоллар дам олади, уларни қашлаш ва дизинфекция қилиш учун мосламалар, эстакадаси бўлган торозилар, озуқа захираларини сақлаш учун омборлар ва майдончалар, ветеринария пункити, сўйиш майдончалари ва изолятор бўлади. Бўрдоқига боқиш майдончалари лойиҳаларига, мол айланиб юриб озиқланадиган ҳовлиларга туташиб кетган енгил ёки уч деворли бостирмалар, хўжаликбоп ёрдамчи объектлар киритилади. 3 ва 5 минг бош қорамолга мўлжалланган йирик майдончалар таркибида озуқа цехи ҳам бўлади.

Гўшт учун етиштириладига чорвани боқиш учун оралиғи 18 – 21 м бўлган ярим рамали бинолар энг мақбул ва истиқболлидир, уларнинг деворларини маҳаллий қурилиш материаллари, яъни сомон ғишт, қамиш ва шунга ўхшаш нарсалардан тиклаш мумкин, томига эса асбоцемент тахтачалари ёки шифер ёпилади. Барча ҳолларда ҳам иморат узоқ муддатга мўлжалланиб қурилиши керак. Шунинг учун деворларнинг паст қими 1,5 – 1,6 метргача бетон ёки ғишдан кўтарилади, бунда юқориси эса асбоцемент тахтачалари, қамш шитлар, полимер материаллар ва бошқалардан тикланади. Айрим холатларда юзанинг гидроизоляциясини, яъни унинг сувдан муҳофаза воситаларини назарода тутган маъқул. Молхоналар шамолдан ва ёғин – сочиндан асралиш керак.

Демак, ушбулардан шундай хулоса қилса бўладики ҳайвонларни шу жумладан, қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлигига нафақат зот, зотдорлик ва жинс балки ташқи муҳит омиллари ҳам таъсир қилар экан.

Самарқанд вилоятининг Тойлоқ тумани шароитида қора – ола ва уни сигирларини голштин буқачалари билан чатиштириш натижасида олинган ҳар хил генотипли буқачаларнинг гўшт маҳсулдорлиги ва гўштининг сифати А.Кахаров ва бошқалар (2008) томонидан ўрганилган.

Тажриба учун I – гуруҳга 10 бош соф зотли қора-ола, II гуруҳга биринчи бўғин авлодлари (10 бош) ва III – гуруҳга иккинчи бўғин

авлодлари (10 бош ) киритилган ва улар 3 ойлигидан 21 ойлигигача жадал усулда боқилган. Назорат сўйим барча гуруҳлардаги буқачаларнинг 18 ва 21 ойлигида ўтказилган. Умуман олганда, 530 кунлик тажриба давомида I – гуруҳдаги соф зотли қора – ола буқачаларидан ҳар бири 386,1 кг қўшимча тирик вазнга эга бўлиб, тенгқурлари II гуруҳдаги буқачалардан 38,1 кг (Р <0,05) ёки 9,9 %, III – гуруҳдаги буқачалардан эса 50,2 кг (Р <0,01) ёки 13,0 % орқада қолишди. 1 кг тирик вазн учун гуруҳларда тегишлича 9,58; 8,79 ва 8,74 кг озуқа бирлиги сарфланди. Демак, чатишма ҳайвонларда истеъмол қилинган озуқани маҳсулот бирлиги билан қоплаш хусусияти ҳам соф зотлиларга нисбатан яхши бўлди.

Илмий – тадқиқот иши услубига биноан тажрибадаги буқачаларни 18 ва 21 ойлигида ҳар гуруҳдан 5 бошдан сўйиб, уларнинг гўшт маҳсулдорлигини ўрганилган (5 жадвал).

5 - жадвал маълумотлари тахлилидан кўриниб турибдики, барча гуруҳлардаги сўйилган буқачалар ҳар иккала ёшда ҳам юқори семизлик даражасида бўлган. 18 ойлигида 1 - гуруҳдаги буқачаларнинг сўйишдан олдинги тирик вазни 387,0 кг ни ташкил этиб, тенгқурлари II ва III – гуруҳлардаги чатишма буқачалардан тегишлича 34,5 кг (Р <0,01) ёки 8,9 % ва 47,0 кг (Р <0,01) ёки 12,1 %, кам бўлган. 21 ойликда бу фарқ мос равишда 40,5 кг (Р <0,01) ёки 8,8 % ва 56,0 кг (Р <0,01) ёки 12,1 % ни ташкил қилган.

Гўшт маҳсулдорлигининг муҳим кўрсаткичи нимталанган гўшт оғирлигидир. 1- гуруҳдаги буқачалар иккала назорат сўйими ёшида ҳам II ва III гуруҳлардаги тенгқурларидан бу кўрсаткич бўйича тегишлича: 20,4 кг (9,9%), 22,7 кг (9,2 %), ва 28,0 кг (13,6 %), 37,8 кг (15,2 % ) га орқада қолган. Аниқланган фарқ ишончли бўлиб, Р < 0,05 - 0,01 орасида. II - гуруҳдаги буқачалар III - гуруҳдаги тенгдошларига нисбатан 18 ва 21 ойлигида 7,6 кг (Р<0,05) ёки 3,3 % ва 15,1 кг ( Р<0,01) ёки 5,6 % кам гўшт берган.

Нимталанган ва совитилган гўштнинг оғирлиги бўйича I - II, I - III ва II - III гуруҳлардаги фарқ охирги гуруҳ фойдасига тегишлича 18 ойликда

5- жадвал

Тажрибадаги ҳайвонларнинг гўшт маҳсулдорлиги

(А.Кахаров ва бошқалар, 2009)

| Кўрсаткичлар | Гурухлар | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | I | | II | | III | |
| | 18 | 21 | 18 | 21 | 18 | 21 |
| Сўйишдан олдинги тирик вазни | 387,0±3,1 | 462, ±2,1 | 421,5±3,41 | 503,0±5,1 | 434,0±4,1 | 518,5±3,9 |
| Нимталанмаган гўшт оғирлиги, кг | 205,9±4,1 | 247,9±2,48 | 22,63±2,5 | 270,6±4,46 | 233,9±4,09 | 285,7±5,17 |
| Гўшт чиқими, % | 53,2±1,2 | 53,6±1,1 | 53,7±0,9 | 53,8±0,76 | 53,9±1,18 | 55,1±0,9 |
| Ички ёғ оғирлиги, кг | 16,4±0,02 | 21,4±0,18 | 16,2±0,02 | 20,6±0,01 | 17,8±0,01 | 23,9±0,04 |
| Ички ёғ чиқими, % | 4,2±0,01 | 4,6±0,01 | 3,8±0,01 | 4,1±0,01 | 4,1±0,01 | 4,6±0,01 |
| Сўйим оғирлиги, кг | 222,3±3,1 | 269,9±4,11 | 242,5±3,11 | 291,2±5,11 | 251,7±2,8 | 309,6±7,1 |
| Сўйим чиқими, % | 57,4±0,87 | 58,8±0,46 | 57,5±0,4 | 57,9±0,43 | 58,0±0,42 | 59,7±0,62 |
| Нимталанган ва совитилган гўшт оғирлиги, кг | 103,0±2,1 | 124,0±4,01 | 113,2±2,11 | 135,1±4,1 | 116,4±0,69 | 143,0±1,1 |
| Лахм гўшт оғирлиги, кг | 82,1±2,01 | 99,2±4,0 | 90,8±3,12 | 108,1±3,11 | 92,9±2,41 | 116,0±2,18 |
| Суяклар оғирлиги, кг | 18,3±0,09 | 22,0±0,1 | 20,0±0,08 | 24,5±0,13 | 21,4±0,13 | 24,6±0,07 |
| Истеъмол қилинадиган қисми, % | 79,7 | 80,0 | 80,2 | 80,1 | 79,9 | 81,1 |
| Истеъмол қилинмайдиган қисми,% | 20,3 | 20,0 | 19,8 | 19,9 | 20,1 | 1 8,9 |
| Гўштдорлик коэффициенти. | 4,0 | 4,0 | 4,1 | 4,0 | 4,0 | 4,3 |

10,2 кг (Р <0,01) ёки 9,9 %, 13,4 кг (Р <0,01) ёки 13,0 %, 3,2 кг (Р <0,05) ёки 2,8 %, 21 ойликда 11,1 кг (Р <0,05) ёки 8,9 %, 19,0 кг (Р <0,01) ёки 15,3 %, 7,9 кг (Р <0,05) ёки 5,8 % ни ташкил қилган.

Лахм гўшт миқдори 1 - гуруҳдаги буқачаларда ҳар иккала сўйимда 82,1 ва 99,2 кг бўлган, бу II - гуруҳдаги тенқурлариникидан: 8,7 кг (Р <0,01) ёки 10,7 %, ва 8,9 кг (Р <0,05) ёки 9,0 %; III - гуруҳдан эса 10,8 кг (Р <0,01) ёки13,2 % ва 16,6 кг (Р <0,01) ёки 16,9 % кам. Лахм гўштнинг буқачалар ёшига қараб кўпайиши бўйича ҳам гуруҳлараро ишонарли даражада фарқ аниқланган. Бу кўрсаткич 1- гуруҳда 17,1 кг (Р <0,01) ёки 20,8 % , II - гуруҳда 17,3 кг (Р <0,01) ёки 19,1 %, III – гуруҳда 23,1 кг (Р <0,01) ёки 24,9 % ни ташкил этган. Олий ва биринчи навли гўшт бўйича 18 ойликдан 21 ойликкача ўсиш фарқи гуруҳларда тегишлича: 12,0 кг (22,6 %); 12,6 кг (20,1 %) ва 16,1 кг (26,4 %) бўлган.

Олинган соф фойда гуруҳларда ёш бўйича тегишли равишда 133,0, 179,9, 184,3, 225,5, 194,2 ва 236,0 минг сўмни, рентабеллик даражаси эса мос равишда 30,0, 31,3, 41,2, 38,9, 42,4 ва 39,8 % ни ташкил қилган.

Илмий тадқиқот ишлари шундан далолат берадики, зарафшон воҳаси шароитида қора – ола зоти ва уни голштин зоти билан чатиштириш натижасида олинган ҳар хил генотипли чатишма авлодлари жадал усулда боқиб, бўрдоқиланганда юқори тирик вазнга эга бўлиб, сифатли гўшт етиштириш самарадорлиги ошар экан. Бу эса, нафақат зоотехникавий ва иқтисодий, балки ижтимоиий ва сиёсий муаммо ҳисобланган аҳолининг қорамол гўштига бўлган эҳтиёжини қондириш борасида олиб борилаётган комплекс чора тадбирлар асоси хисобланади. Қорамол гўштининг асосий қисми эса айнан сут йўналишидаги шу зотлар ва уларнинг чатишма авлодларидан олинади. Чунки махсус гўшт учун мўлжалланган қорамол зотлари Мамлакат қорамолчилигини 3 - 4 фоизигигина ташкил қилади халос.

А.Зелепухиннинг (2009) ёзишича, хатто Россия федерациясининг гўшт қорамолчилиги яхши ривожланган Оренбург вилоятида ҳам гўшт балансида

қорамол гўшти биринчи ўринда булиб, унинг асосий қисми сут йўналишидаги қорамол зотларидан олинар экан. Муаллиф шу соханинг мутахассиси ва Бутун Россия гўшт қорамолчилиги илмий – тадқиқот институтининг рахбари сифатида, Оренбург вилояти мисолида аҳолини қорамол гўштига бўлган талабини ижобий ҳал қилиш борасида фикир – мулоҳаза юритади.

«Мясоплемскот» муассасаларининг бадаллик мабмаблағларига вилоят хўжаликлараро селекция станцияси қурилиб, фойдаланишга топширилди, бу ерда зотдор гўштбоп буқалар зоти ва маҳсулдорлигига кўра текширилади. Шундан сўнг улар пода сифатини яхшилаш учун хўжаликларга сотилади. 2000 - 2004 йилларда гўштбоп 1500 зотдор буқа сотилди, бу эса вилоятда тармоқ равнақи барқарорлашишига сабаб бўлди. Биргина мисол: 100 сигир ва ғуножиндан бузоқ туғилиши 30 % га, ёш молларнинг маҳсулдорлиги 19 % га, меҳнат унимдорлиги эса 40 % га ошди.

Деҳқон (фермер) хўжаликлари гўшт чорвачилигини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Ҳозир фермерлар қўлида бедапоялар ва яйловларнинг 40 % га яқин бўлса ҳам, лекин улар боқаётган чорва мол жуда кам. Гўшт чорвачилиги туманлардаги барча хўжаликлар асосан дон етиштирмоқдалар ва бундан яхши даромад олмоқдалар, бунинг учун албатта қурғоқчилик бўлмаслиги керак.

Вилоятнинг дашт ва қуруқ дашт минтақаларида жойлашган деҳқон хўжаликларини ихтисослаштиришда ер майдонларидан самарали фойдаланиш, тармоқларини бир – бири билан уйғун ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Чорвачиликда етакчи тармоқ сифатида гўшт чорвачилиги тавсия этилди.

Қўлида 200 гектардан ортиқ ер майдони ва 40 % дан кўп табиий озуқа ўтлоқлари бўлган деҳқон (фермер) хўжаликларида 20 – 25 бош гўштбоп сигирларни боқиш мақсадга мувофиқдир. Ҳисоб – китобларга кўра, бу 2010 йилга келиб, вилоятда гўштбоп сигирлар сонини 6 - 6,5 мингтага

етказиш имконини беради. Агар қурғоқчилик содир бўлса, фермерлар унинг оқибатларини бир қадар осонроқ бартараф этадилар.

Тартибга солинмайдиган бозор муносабатлари, шавқатсиз рақобат шароитида гўшт чорвачилигини мувваффақиятли юритиш учун кўрилган тадбирлар кифоя қилмай қолди. Масаланинг моҳияти шундаки, мол гўшти етиштириш, ҳатто иқтисодий жиҳатдан бақувват хўжаликларда ҳам зиён келтиради. Гўшт чорвачилиги манфий рентабеллигининг сабабларидан бири (қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари қатори) тармоқлараро айрибошлашнинг номутаносиблиги, нархларнинг адолатсизлиги (нопаритетлиги)дадир. Сотиш нархлари меҳнат харажатларини қоплаш билан бир қаторда бюджет билан ҳисоб - китоб қилиш ва кенгайтирилган ишлаб чиқариш фойда кўришни ҳам таъминлаши зарур. Тадқиқотимизга асосан, гўшт чорвачилигининг рентабеллиги 18 % га етиши, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш камида 35 % бўлиши лозим.

Фикримизча, тармоқни давлат томонидан қўллаб қуватлайдиган, илмий жихатдан асосланган дастурни ишлаб чиқариш зарур. Жахон тажрибаси шундан далолат берадики, танликдан чиқиш учун маҳсулот етказиб беришга квоталар зарур. Кафолат берилган нархлар ва квоталар лозим, шунингдек, мамлакатда ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун кредит-молия тизими зарур бўлади, бошқача айтганда, бозор жараёнларини давлат тартибга солиб туриши керак.

Шу билан бир қаторда тармоқни самарали юритиш учун хўжалик ҳисобини такомиллаштириш айни муддаодир, худди шу омил тежаб – тергашга, унимдорликнинг ортишига, таннархнинг камайишига ёрдамлашади.

П.С.Собиров (1990, 1995) узоқ йиллар давомида қора – ола зотини соф ҳолда ва уларни буқалари билан бир қанча сутбоп ва қўшмаҳсулдор хайвонларнинг сигирларни урчитиб олинган биринчи бўғин чатишма авлодларни гўшт маҳсулдорлигини ўрганган (6 жадвал).

6-жадвал

Қора – ола ва унинг ҳар хил генотипли буқачаларининг гўшт маҳсулдорлиги (П.С.Собиров маълумоти, 1990).

| Гуруҳлар Зот ва зотдорлик | Тажриба охиридаги тирик вазн, кг | Сўйишдан олдинги тирик вазн, кг | Нимталанмаган гўшт оғирлиги, кг | Чиқими, % | Сўйим оғирлиги | Сўйим чиқими, % |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 15- ойлик | | | | | |
| I- қора-ола | 351,2±2,6 | 332,5±2,4 | 177,9±1,6 | 53,6±1,8 | 190,2±2,1 | 57,2±1,9 |
| II- қора-ола х швиц | 368,0±2,8 | 348,0±2,6 | 188,6±1,9 | 54,2±1,7 | 202,5±2,2 | 58,2±1,8 |
| III- қора-ола х қизил чўл | 361,0±2,9 | 340,5±2,5 | 182,9±1,8 | 53,7±1,9 | 195,8±1,9 | 57,5±1,9 |
| IV- қора-ола х қизил эстон | 356,0±2,7 | 337,0±2,4 | 180,3±1,9 | 53,5±1,6 | 192,8±2,0 | 57,2±1,7 |
| | 18 - ойлик | | | | | |
| I- қора-ола | 489±9,1 | 467±8,6 | 253,6±3,6 | 54,3±2,1 | 273,2±3,8 | 58,5±2,3 |
| II- қора-ола х швиц | 516±10,0 | 493±9,1 | 272,2±3,7 | 55,2±2,4 | 293,4±3,7 | 59,5±2,4 |
| III- қора-ола х қизил чўл | 504±11,0 | 481±10,1 | 264,1±3,6 | 54,9±2,5 | 283,8±3,6 | 59,0±2,6 |
| IV- қора-ола х қизил эстон | 496±9,5 | 474±8,6 | 258,3±3,4 | 54,5±2,3 | 277,3±3,4 | 58,5±2,4 |
| | 21 - ойлик | | | | | |
| I -қора-ола | 425±8,6 | 404±7,5 | 216,9±2,6 | 53,7±1,8 | 232,3±2,1 | 57,5±1,3 |
| II- қора-ола х швиц | 448±8,6 | 425± 7,6 | 235,0±3,0 | 55,0±2,0 | 251,9±3,0 | 59,2±2,1 |
| III- қора-ола х қизил чўл | 436±8,4 | 414±8,1 | 223,6±2,8 | 54,0±1,9 | 240,1±3,8 | 58,0±1,9 |
| IV- қора-ола х қизил эстон | 428±7,8 | 408±7,4 | 220,3±2,7 | 54,0±1,7 | 235,8±3,7 | 57,8±1,8 |

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, тажриба охиридаги ва сўйишдан олдинги тирик вазн бўйича гуруҳлараро фарқ юқори бўлган. Бунда қора - ола зотга мансуб буқалар билан швиц зотли сигирларни чатиштириш натижасида олинган биринчи бўғин авлодлари барча ўсиш ойларида устунлик қилишган. Хусусан 15 ойликда улар ўз тенгқурлари I, III ва IV гуруҳлардаги буқачаларни шунга мос равишда 16,8 кг ёки 4,8 фоиз, 7,0 кг ёки 1,2 фоиз ва 13,0 кг ёки 3,7 фоизни ташкил қилган. Сўйишдан олдинги тирик вазн бўйича фарқ тегишлича гуруҳларда: 15,5 кг ёки 4,7 фоиз, 7,5 кг ёки 2,2 фоиз ва 11,0 кг ёки 3,3 фоизга тенг бўлган. Бу кўрсаткичларда аниқланган фарқ қора-ола зотига мансуб буқалар билан чатиштириш натижасида олинган швиц, қизил чўл, қизил эстон зотли чатишма авлодларда кам бўлсада гетрозис ходисаси рўй берган. Чунки соф зотлига нисбатан айнан чатишма авлодларда ўсиш жадал кечган ва тирик вазнни ошишига сабаб бўлган.

Ҳайвонлар сўйилгандан кейин ҳам сўйим кўрсаткичлари бўйича гуруҳлараро фарқ аниқланган. Хусусан гўшт маҳсулдорлигини характерлайдиган нимталанмаган гўшт салмоғи соф зотли қора-ола буқачалари ўз тенгқурларидан: 15 ойлигида 10,7 кг ёки 6,0 фоиз, 5,0 кг ёки 2,8 фоиз, 2,4 кг ёки 1,3 фоиз; 18 ойлигида 18,6 кг ёки 7,3 фоиз, 10,5 кг ёки 4,1 фоиз, 4,7 кг ёки 1,9 фоиз ва 21 ойлигида 18,1 кг ёки 8,3 фоиз, 6,7 кг ёки 3,1 фоиз, 3,4 кг ёки 1,5 фоиз кам кўрсаткичга эришган.

Шуни унитмаслик лозимки, агарда ушбу зотларни швиц зотидан ташқари соф холда урчитиб гўшт маҳсулдорлигини баҳолаганда, албатта бу кўрсаткичлар соф зотли қора – оладан кам бўлар эди. Бу эса қора-ола зотини нафақат ушбу зотлар учун сут маҳсулдорлигини балки, гўшт маҳсулдорли учун ҳам яхшиловчилигини кўрсатади.

Буни биз П.Собиров (1990) томонидан ўтказилган тажрибада олинган сўйим оғирлиги тўғрисидаги маълумотлардан ҳам билсак бўлади (6- жадвал).

6-жадвал натижаларидан кўриниб турибдики, 15 ойликдаги буқачаларнинг сўйим оғирлиги 190,2 кгдан 202,5 кг гача бўлган. Бунда соф зотли қора - ола буқачаларининг 15 ойликда сўйим оғирлиги 190,2 кг ни ташкил этган, бу эса II – гуруҳдан 12,3 кг (6,5 %), III гуруҳдан 5,6 кг (2,9%), IV – гуруҳдан 2,6 кг (1,3 % ) кам демакдир. Худди шундай фарқ ҳайвонларнинг 18 ойликда сўйилган буқачаларида ҳам кузатилган. Бошқача қилиб айтганда соф зотли қора - ола буқачалардан сўйим оғирлиги бўйича II – гурух буқачалари 20,7 кг (7,4 %), 10,6 кг (3,9 %) ва IV – гурух 4,1 кг (1,5 %) зиёд тош босишган.

Худи шунга ўхшаш фарқ 21 ойликда сўйилган буқачаларда ҳам аниқланган бўлиб, тегишли равишда гуруҳларда: 14,6 кг (8,4 %), 7,8 кг (3,4 %), 3,5 кг (1,5 %) ни ташкил этган. Кўриниб турибдики, бу ёшда ҳам асосан юқори кўрсаткичга швиц зоти билан олинган чатишма ҳайвонлар устунлик қилишган. Чатишма авлодлар орасида қизил эстон зоти билан олинган буқачалар паст кўрсаткичларга эришган. Оралиқ ўринни қизил чўл зотига мансуб чатишма буқачалар эгаллашган. Бошқача қилиб айтганда қизил чўл буқачалари қизил эстондан ва соф зотли қора – оладан устун бўлишган, лекин швиц зотига мансуб чатишма авлодлардан орқада қолишган. Гўшт махсулдорлиги бўйича қорамолларни баҳолашда муҳим ўрин тутадиган кўрсаткичлардан бири бўлган, сўйим чиқими тажрибадаги гуруҳлардан шунга мос равишда: 15 ойликда- 57,2; 58,2; 57,5; 57,2 , 18 ойликда – 58,5; 59,5 ; 59,0; 58,5 ва 21 ойликда – 57,5; 59,2; 58,0; 57,8 фоизга тенг бўлган. Бу кўрсаткич бўйича ҳам ишонарли даражада гуруҳлараро фарқ аниқланган.

Юқорида тахлил қилинган тадқиқотга ўхшаш изланишлар А.К.Кахаров (1988) томонидан, Сурхандарё вилояти шароитида ўтказилган. Муаллифлар тажриба учун келиб чиқиши билан бир – биридан кескин фарқ қилган буқачаларни гўшт маҳсулдорлигини ўрганган. 1- гуруҳга (симментал х қора-ола), II – гуруҳга (швиц х қора - ола) ва III гуруҳга (латвия қўнғир зоти х

қора - ола) хар хил генотипли чатишма хайвонларни киритган. Ҳар бир гуруҳга 10 бошдан энди туғилган эркак бузоқлар танланган ва улар 18 ойлигигача жадал усулда боқилган. Қуйидаги 7 - жадвалда тажрибадаги буқачаларнинг тирик вазни тўғрисидаги маълумотлар берилган.

7-жадвал

Ҳар хил генотипли буқачаларни ўсиш кўрсаткичи

(А.К.Кахаров маълумоти, 1988)

| Ёши, ойлар ҳисобида. | Гуруҳлар | | |
|---|---|---|---|
| | I | II | III |
| энди туғилган. | 27,1±0,43 | 26,8±0,42 | 26,2±0,48 |
| 3 | 83,0±0,85 | 80,0±1,41 | 78,0±0,61 |
| 6 | 146,1±1,53 | 141,0±1,57 | 123,0±1,06 |
| 9 | 212,0±2,14 | 206,0±1,46 | 177,0±1,51 |
| 12 | 284,0±2,53 | 273,0±1,72 | 237,0±1,70 |
| 15 | 364,0±2,65 | 343,0±1,72 | 310,3±1,39 |
| 18 | 471,0±2,98 | 447,0±2,45 | 411,0±2,60 |

Қуйидаги берилган 7- жадвал кўрсаткичларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, тажрибанинг бошланишида тирик вазн бўйича гуруҳлараро фарқ катта бўлмаган. Лекин, тажрибанинг иккинчи ойларида швиц зоти билан олинган чатишма авлодлар ўсиш бўйича бошқа гуруҳлардаги тенгқурларини орқада қолдиришган. Хусусан улар ўзининг 12 ойлигида ўз тенгқурлари II ва III - гуруҳлардан шунга мос равишда 11,0 кг ёки 2,5 фоиз ва 60,0 кг ёки 14,6 фоиз зиёд кўрсаткичга эришган. Бу фарқ 15 ойликда мутаносиб тарзда швиц зоти билан чатишма ҳайвонлар фойдасига шунга мос равишда: 21,0 кг ёки 6,1 фоиз ва 53,7 кг ёки 17,3 фоизни ташкил қилган. Тажриба охирида яъни 18 ойлигида ҳам ушбу холат сақланиб қолган бўлиб, швиц ва қора - ола билан олинган буқачаларнинг тирик вазни 471,0 кг ни ташкил қилган, бу эса

қизил чўл авлодларидан (II - гуруҳ) 24,0 кг ёки 5,4 фоиз ва латвиянинг қўнғир зотларидан (III -гуруҳ) эса 60,0 кг ёки 14,6 фоиз кўп демакдир.

Ушбу тахлиллардан кўриниб турибдики, швиц зотига мансуб чатишма буқачалар жадал ўсган, яъни катта тирик вазнга эришган. Маълумки тирик вазн гўшт маҳсулдорлигини характерлайдиган асосий кўрсаткич хисобланади. Шунинг учун ҳам буқачаларнинг гўшт маҳсулдорлиги ҳам турлича бўлган. Буни биз 18 ойликда ўтказилган назорат сўйимни 8 - жадвалга берилган маълумотлардан биламиз.

8- жадвал.

Назорат сўйим кўрсаткичлари. ($n$=10)

(А.Кахаров маълумотлари)

| Кўрсаткичлар | Гуруҳлар (X ± Sx) | | |
|---|---|---|---|
| | I | II | III |
| Сўйишдан олдинги тирик вазн, кг | 457,9±3,53 | 432,3±2,8 | 398,0±4,5 |
| Нимталанмаган гўшт, кг | 253,3±2,25 | 239,4±1,73 | 216,48±2,3 |
| Ички ёғ оғирлиги, кг | 15,4±0,43 | 12,56±2,81 | 10,23±2,29 |
| Ички ёғ чиқими, % | 3,36 | 2,91 | 2,57 |
| Сўйим оғирлиги, кг | 268,7 | 257,96 | 226,71 |
| Сўйим чиқими, % | 58,70 | 58,30 | 56,96 |
| Тери оғирлиги, кг | 28,6±0,49 | 29,01±0,92 | 26,71±0,49 |
| Тери чиқими, % | 6,25 | 6,71 | 6,70 |

8 - жадвал маълумотларини тахлили шундан далолат берганки, сўйишдан олдинги тирик вазн бўйича 1- гуруҳ буқачалари, ўз тенгқурларидан 25,6 кг ёки 5,9 фоиз ва 59,9 кг ёки 15,1 фоиз ўтиб кетишган. Нимталанмаган гўшт оғирлиги бўйича фарқ шунга мос равишда 13,9 кг ёки 5,8 фоиз ва 36,8 кг ёки 17,0 фоизни ташкил қилган. Ҳайвонларни гўшт маҳсулдорлигини ҳисоблаганда ва шу кўрсаткич бўйича баҳолаганда, ички

ёғ кўрсаткичи муҳим ўрин тутади. Чунки шу кўрсаткич бўйича ҳайвонларни ёши бўйича ёғ, мускул ва суяк тўқмаларини ривожланганлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин.

Тажрибада ички ёғнинг мутлоқ ва нисбий кўрсаткичи бўйича ҳам швиц чатишма авлодлари устунлик қилишган қизил чўл буқачалари оралиқ ўринда бўлишган, яъни швиц авлодларидан орқада бўлишса, аксинча латвиянинг қўнгир зотидан устун бўлишган.

Сўйим оғирлиги бўйича ҳам гуруҳлараро фарқ аниқланган бўлиб, бунда ҳам, швиц зотига мансуб буқачалар ўз тенгқурлари қизил чўл ва латвиянинг қўнғир зотли чатишма авлодларини мутаносиб равишда: 10,8 кг ёки 4,2 фоиз ва 42,0 кг ёки 18,5 фоиз орқада қолдирган. Бу кўрсаткич бўйича қизил чўл ва латвиянинг қўнғир зоти орасидаги фарқ биринчиси фойдасига 31,2 кг ёки 13,8 фоизни ташкил қилган. Сўйим ва гўшт маҳсулдорлигини бошқа кўрсаткичлари бўйича ҳам ишонарли равишда гуруҳлараро фарқ аниқланган. Ҳайвонларни сўйгандан кейин уларни сўйим оғирлиги ва сўйим чиқими бўйича баҳолаш одат тусига кирган. Лекин ҳайвонларни гўштининг сифат кўрсаткичлари бўйича баҳолаш ҳам муҳим ҳисобланади. Бунда хайвонларнинг нимталанмаган тансидаги лахм гўшт, олий, 1 ва 2 – навли гўштлар, суяклари, бириктирувчи тўқмалар, гўштдорлик коэфициенти, нимтанинг ҳазм қилинувчи ва хазм қилинмайдиган қисми каби кўрсаткичлар таққослаб ўрганилиши кўзда тутилади.

А.Хушвактов (2007) Зарафшон воҳаси шароитида қорамол гўшти етиштиришни кўпайтириш муаммосини ҳал қилиш мақсадида, воха шароитида кенг тарқалган ва ўзининг айрим хўжалик белгиларини голштин зоти билан яхшилашга мухтож бўлган қора – ола ва ҳар хил генотипли голштинлаштирилган буқачаларни гўштининг сифат кўрсаткичларини характерлайдиган навли бўлакларни ўрганган (9- жадвал).

1,5 ёшли сф зотли қора – ола (1 гуруҳ) буқачалар сўйилганда 1 – навли гўшт бўлаклари 65,7 кг бўлиб, ўз тенгдошлари II ва III гуруҳ тенгқурларидан

6,5 кг (P<0,05) ёки 10,0 %, 9,0 кг (P<0,01) ёки 13,7 % га орқада қолган, 21 ойликдаги назорат сўйимида бу фарқ шунга мос равишда: 8,1 кг (P<0,05) ёки10,3 % ва 12,3 кг (P<0,05) ёки 15,6 % га тенг бўлди. II – гуруҳдаги ҳайвонлар бу кўрсаткич бўйича оралиқ ўринда бўлиб, 1,5 ёшли III – гуруҳдаги тенгдошларидан 2,5 кг (P<0,05) ёки 4,8 % га орқада қолган.

Энг сифатли ҳисобланган кўкрак қисми 1 гуруҳда ҳар иккала сўйимда ҳам 9,1 ва 13,4 кг ни ташкил қилган. Бу эса II – гуруҳдаги тенгдошларига нисбатан 1,2 кг (P<0,01) ёки 13,2 % ва 2,2 кг III – гуруҳдаги тенгқурларидан 16,4 % кам демакдир.

Ушбу кўрсаткич бўйича 1 гуруҳ буқачалари III – гуруҳдаги тенгқурларидан 2,9 кг (P<0,01) ёки31,8 % ва 3,6 кг (P<0,01) ёки 26,9 % кам бўлди. Биқин гўштининг салмоғи ҳам III – гуруҳдаги ҳайвонларда юқори бўлиб, шунга мос равишда 1-гуруҳга нисбатан 1,4 кг (P<0,01) ёки 17,2 %, 2,2 кг (P<0,01) ёки 23, 6 % ва II – гуруҳга нисбатан эса 0,5 кг (P<0,05) ёки 5,6 %; 0,5 кг (P<0,05) ёки 4,2 % кўп бўлди. Жами иккинчи навли гўшт бўлаклари 1,5 ёшли 1 гуруҳ буқачаларидан 31,8 кг бўлган, бу эса II – гуруҳдан 4,3 кг (P<0,05) ёки 13,5 %; III – гуруҳдан эса 5,5 кг(P<0,05) ёки 17,3 % га камдир. 21 ойликда ўтказилган назорат сўйимида бу кўрсаткич бўйича гуруҳлараро фарқ тегишлича: 2,5 кг (P<0,05) ёки 6,3 % ва 6,9 кг (P<0,01) ёки 17,5 % бўлди. Учинчи навли гўшт бўлаклари бўйича гуруҳлараро фарқ сезиларли даражада бўлмади.

9- жадвал

Тажрибадаги буқачалар гўштининг навли бўлаклари, кг (X ± Sx)

| Кўрсаткичлар | Г у р у ҳ л а р | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | I | | II | | III | |
| | 18 ойлик | 21 ойлик | 18 ойлик | 21 ойлик | 18 ойлик | 21 ойлик |
| Нимталанган ва совитилган гўшт оғирлиги, кг | 102,5±2,16 | 123,4±2,10 | 112,8±1,90 | 134,8±3,11 | 116,8±1,90 | 142,3±4,10 |
| Кўкрак қисми | 9,1±0,01 | 13,4± 0,04 | 10,3±0,01 | 15,6±0,04 | 12,0±0,04 | 17,0±3,11 |
| Орқа қисми | 8,0 ±0,02 | 10,1±0,01 | 9,5±0,02 | 12,5±0,02 | 10,5±0,03 | 15,0±0,16 |
| Кет қисми; шу жумладан | 48,6±1,91 | 55,5±3,10 | 52,4±0,61 | 59,0±0,40 | 52,2±1,10 | 59,3±0,96 |
| Биқин гўшти | 8,1±0,02 | 9,3±0,01 | 9,0±0,01 | 11,5±0,10 | 9,5±0,03 | 12,0±0,09 |
| Сонни қуйи қисми | 9,2±0,01 | 11,4±0,04 | 10,9±0,02 | 13,0±0,21 | 11,0±0,02 | 13,5±0,01 |
| Тос –сон гўшти | 33,3±0,04 | 34,8±1,41 | 32,5±1,01 | 33,5±2,40 | 31,7±0,60 | 33,8±0,09 |
| Жами биринчи нав | 65,7±2,03 | 79,0±4,10 | 72,2 ±0,60 | 87,1±3,10 | 74,7±3,18 | 91,3±1,1 |
| Курак қисми | 19,1±1,10 | 25,2±1,10 | 22,3±0,96 | 24,0±1,16 | 23,0±0,76 | 25,5±0,41 |
| Елка қисми | 8,0±0,01 | 11,0±0,11 | 9,5±0,02 | 12,4±0,41 | 10,0±0,03 | 13,2±0,39 |
| Шапоқ қисми | 3,7±0,01 | 5,0±0,01 | 4,3±0,01 | 6,6±0,07 | 4,3±0,01 | 7,3±0,03 |
| Жами иккинчи нав | 31,8±0,44 | 39,5±0,64 | 36,1±0,04 | 42,0±1,10 | 37,3±1,09 | 46,0±0,93 |
| Бўйин - бўғизлоқ | 1,9±0,01 | 1,7±0,01 | 1,5±0,01 | 1,6±0,01 | 1,7±0,01 | 1,7±0,01 |
| Олдинги оёқ илик суяги | 1,0± 0,10 | 1,1± 0,01 | 1,1±0,01 | 1,3 ±0,01 | 1,3 ±0,01 | 1,3 ±0,01 |
| Орқа оёқ илк суяги | 2,1± 0,01 | 2,3± 0,01 | 1, 6± 0,01 | 2,3± 0,01 | 1,8 ± 0,01 | 2,0± 0,01 |
| Жами учунчи нав | 5,0± 0,02 | 5,1± 0,01 | 4,2 ± 0,01 | 5,2± 0,02 | 4,8 ± 0,01 | 5,0± 0,01 |

Маълумки, ёш моллар танасининг бириктирувчи тўқмаларида сув миқдори кўп бўлади. Шунинг учун ҳам ёш молни гўшти катта ёшли моллар гўштига нисбатан анча майин ва ширалидир. Умуман олганда моллар семизлик даражасининг кўтарилиши билан гўшт нимталаридаги сувнинг нисбий миқдори камаяди, қуруқ моддалар салмоғи эса кўпайиб, гўштнинг каллориялиги анча ошади. Қуйидаги 10 - жадвалда гўштнинг ўртача намунасини кимёвий таркиби берилган.

10- жадвал

Буқачалар лахм гўштининг кимёвий таркиби, %

| Кўрсаткичлар | Г у р у ҳ л а р | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | I | | II | | III | |
| | 18 ойлик | 21 ойлик | 18 ойлик | 21 ойлик | 18 ойлик | 21 ойлик |
| Сув | 69,29 | 67,90 | 69,09 | 67,76 | 68,81 | 67,30 |
| Қуруқ модда | 30,71 | 32,10 | 30,91 | 32,24 | 31,19 | 32,70 |
| Шу жумладан; оқсил | 21,00 | 21,10 | 20,99 | 21,12 | 21,23 | 21,73 |
| Ёғ | 8,61 | 10,01 | 8,77 | 10,09 | 8,87 | 9,98 |
| Кул | 1,10 | 0,99 | 1,15 | 1,03 | 1,09 | 0,99 |
| 1 кг гўштнинг тўйимлилиги, МДж | 6,90 | 7,49 | 7,04 | 7,51 | 7,13 | 7,65 |
| Калций, г/кг | 0,11 | 0,10 | 0,10 | 0,11 | 0,11 | 0,12 |
| Фосфор, г/кг | 2,64 | 2,83 | 2,55 | 2,75 | 2,60 | 2,86 |

10 жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, гўшт таркибидаги сув миқдори 67,30 % дан (21 ойлик III – гуруҳда ) 69,29 % гача (18 ойлик II – гуруҳ) ўзгарган. Фарқ 19,7 % ни ташкил қилган. Худди шунингдек қуруқ модда ҳам 30, 71 % дан 32, 70 % гача фарқланади. Шунга мос равишда ёғ миқдори: 1 гуруҳда 16,1; II – гуруҳда 15,1 ва III – гуруҳда 12,5 % гача

кўпайди. Бундан кўриниб турибдики, ҳайвонларни ёши улғайган сари танада ёғ тўқмалари жадал ривожланиб, гўштнинг тўйимлилик хусусиятини оширган.

Тажрибадаги ҳайвонлардан юқори сифатли гўшт олинганлигини унинг таркибидаги оқсил салмоғидан ҳам билса бўлади. Оқсилнинг энг юқори кўрсаткичи 21 ойлик ҳайвонларда кузатилган бўлиб, шунга мос равишда гуруҳларда: 21,10; 21,12 ва 21, 73 % ни ташкил қилди.

Маълумки гўштнинг сифатини баҳолашда унинг биологик қиймати эътиборга олинади. Бунинг учун эса оқсил сифат кўрсаткичи (ОСК) муҳим ўрин тутади. Бошқача қилиб айтганда, триптофан ва оксипролин аминокислоталарини бир – бирига бўлган нисбати айнан шу кўрсаткични белгилайди. 18 ойлик ҳайвонларда унинг салмоғи: 1 гуруҳда- 4,80; II – гуруҳда - 5,03 ва III – гуруҳда - 5,68 % ни ташкил қилган.

Ёш улғайиши билан бу кўрсаткич анча кўпайган ва 21 ойликда шунга мос равишда: 1 гуруҳда 5,10 II – гуруҳда - 5,28 ва III – гуруҳда - 6, 29 % га етганлиги аниқланган. Энг кам кўрсаткич 4,80 (18 ойлик I – гуруҳ) бўлган бўлса, энг юқори кўрсаткич эса 6,29 % ни (21 ойлик ва III – гуруҳ) ташкил этди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳайвонлар гўшт маҳсулдорлиги ва сифати кўпгина омилларга боғлиқ бўлиб, улардан энг муҳимлари зот хусусиятлари хамда озиқлантириш меъёри ва унинг тўйимлилик даражасидир.

У.Н.Носировнинг (2009) ёзишича, гўшт етиштиришни жадаллаштириш тенденцияси кейинги 15 - 17 йиллар мобайнида ҳам кузатилади. 1988 йилда гўшт етиштириш хажми сўйилган вазнда 477,8 минг тоннани ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб бу кўрсаткич 690,8 минг тоннага етди. Унинг кўтарилиш жадаллиги моллар бош сонининг деҳқон хўжаликларида кўпайиши ҳисобига тўғри келмоқда. Жами етиштирилган гўшт миқдорида қорамол гўштининг салмоғи 60 - 63 фоизгача кўтарилган.

Лекин, гўштга сўйилган қорамоллар тирик вазни 245 – 248 кг га пасайиб борганлиги гўшт етиштиришга салбий таъсир кўрсатган. Паст вазнли ориқ молларни сўйишга йўл қўйилган. Бу борада Давлат стандарт талаблари ва санитария – ветеринария қоидаларига риоя қилиш сусайиб бормоқда. Бундай холат ҳатто Тошкент шаҳрининг Чорсу гўшт бозорида ҳам кузатилмоқда. Вилоятлардан тури ҳолатларда сўйиб келтирилган нисбатан ориқ мол гўштлари бозор биносининг ўзида антисанитария ҳолатида лаҳм гўшт ва суякка ажратилиш холатларини қандай изохлаш мумкин?!

Аслида, ҳар бир гўштга мўлжалланган мол ветеринария кўригидан ўтказилиб, сўнгра сўйишга рухсат этилади. Гўшт нимталарини назоратдан ўтказишда Давлат стандарти талаблари асосида молларнинг тури ва гўшт нимталарининг семизлик категорияси аниқланиб, тегишли тамғалар босилиши керак.

Зоотехник ва Давлат стандарти талабларига кўра новвосларни юқори вазн ва семизлик даражасига етказиб, махсус жихозланган укушхоналарда сўйиш, юқори сифатли ҳолда бозорга чиқариш ва истеъмолчиларга етказиш айнан мақсадга мувофиқдир.

Хозирда оилалар, деҳқон ва фермер хўжаликларида сомон билан озиқлантириш шароитида моллар майдалашиб, семизлиги паст холатда қолмоқда. Гўшт маҳсулдорлик имкониятларининг атиги 50 - 60 фоизигина ишга солинмоқда. Натижада юқори вазн ва семизлик даражасига етказилган икки бош новосдан олинадиган 500 - 520 кг гўшт учун хозирги ҳолатда учта молни сўйишга тўғри келмоқда. Ҳар уч молнинг биттаси ортиқча харажат қилинмоқда. Бунинг асосий сабаби биринчидан хўжаликларда озиқа майдонларининг етишмаслиги, жамғарилган озиқаларнинг камлиги ва сифатнинг пастлиги, иккинчидан тегишли корхоналар томонидан тўла қийматли омухта емларни етказиб бермаслик, учинчидан, ёш моллар ва новвосларни жадал парваришлаш, бўрдоқилаш

технологияларини жорий этишдаги имкониятларнинг йўқлигидан деб тушиниш мумкин.

Келтирилган муаммоларни бартараф этиш ва сўйиладиган моллар вазнини генетик имконият даражасига кўтариш қорамол гўшти етиштириш миқдорини 30 – 35 фоизга орттиради.

Ўзбекистонда урчитилаётган қорамол зотларининг юқори гўшт маҳсулдорлиги илмий – тадқиқот ишлари ва илғор тажриба амалиётида аниқланган.

Республикамизнинг турли худудларида қора – ола, қизил чўл, бушуев, швиц санта – гертруда, қозоқи оқ бош ва абердин ангус қорамоллари урчитилмоқда.

Қора – ола зотли моллар Ўзбекистонда кенг тарқалган. У ўзининг юқори сут махсулдорлиги, гўштининг сифати ва турли иқлим шароитларига мослашиш хусусиятлари билан ажралиб туради. Ёш моллар ва новвослар юқори гўшт маҳсулдорлигини намоён этиш қобилиятигига эга. Турли сақлаш, озиқлантириш ва бўрдоқилаш шароитларига хос равишда уларнинг гўшт маҳсулдорлик кўрсаткичлари ўзгаради. Жумладан ахталанган моллар “Қизил шалола ” тажриба хўжалигида ўртача озиқлантириш шароитларида парвариш қилинганда 18 ойлигида 412 кг тирик вазнга етган. Юқори озиқлантириш меъёрида новвослар вазни 500 кг га яқинлашган, юқори сифатли сўйим кўрсаткичларини намоён қилган (11-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, гўштга сўйилган новвослар 18 ойлигида 500 кг тирик вазнга етишида мускуллар билан тўлишган ҳолда ёғ тўқмалари билан қопланган 260 – 277 килограмм вазндаги гўшт нимталарини шакиллантирган. Лахм гўшт чиқимининг 80 фоиздан ва сўйим чиқимининг 59 фоиздан ошганлиги юқори семизликда сифатли гўшт олинганлигидан далолат беради. Гўшт кесимининг “мармарсимон” кўриниши мускуллар ва унинг толалари атрофида ёғ

11- жадвал

Қора – ола зотли новвосларнинг юқори озиқлантириш шароитларида гўшт маҳсулдорлиги

| Курсаткичлар | Тажриба муаллифлари | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Нортожиева М. | | Мамажонов С.М | | Нам Н.С. | |
| | Новвосларнинг ёши, ой | | | | | |
| | 12 | 18 | 12 | 18 | 12 | 18 |
| Бўрдоқилашдан олинадиган вазн, кг | 317,5 | 484,1 | 338,7 | 508,8 | 356,0 | 500,1 |
| Сўйишдан олдинги тирик вазн, кг | 283,3 | 456,0 | 326,0 | 488,8 | 318,6 | 470,2 |
| Нимталанмаган гўшт оғирлиги , кг | 143,8 | 265,1 | 173,0 | 276,8 | 170,3 | 259,1 |
| Ички ёғлар оғирлиги, кг | 3,5 | 7,1 | 5,2 | 12,1 | 4,7 | 14,1 |
| Сўйим чиқими, % | 52,0 | 59,7 | 54,7 | 59,1 | 54,9 | 61,2 |
| Лахм гўшт чиқими, % | 74,3 | 77,7 | 79,0 | 80,5 | 74,1 | 83,4 |

тўқмаларининг тўпланганлигини, унинг таъми ва тўйимлилигининг қанчалик ошганлигини кўрсатади.

